Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1990 йил 1 ноябрь
ПАЙШАНБА
№ 250 (5.043).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.



Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши учинчи сессиясининг мажлислар залидан сурат-лавҳалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

31 октябрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси М. И. Иброҳимов очди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов депутатлар хузурида нутқ сўзлади.

У кейинги вақтда жумҳуриятда рус тилида сўзлашувчи аҳолига нисбатан гўё марказий матбуот орқали, бошқа йўллар билан салбий муносабат кучаймоқда, деган фикр тарқатилаётганини айтди. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга тўғри келмайди ва миллатлараро муносабатларда ўринсиз кескинликни вужудга келтиришгагина кўмаклашмоқда. Жумҳуриятнинг бирорта ҳам фуқароси, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, ҳеч қачон камситилмайди. Биз дўстлигимизни бутун чоралар билан мустаҳкамлашимиз, бир-биримизга нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишимиз керак.

Бозор муносабатларига ўтиш туфайли жумҳурият олдида жиддий вазифалар ва синовлар турибди. Шундай шароитда Ўзбекистоннинг бутун кўп миллатли халқининг жипслашувигина олға томон силжишга, одамлар фаровонлигини оширишга кўмаклашади.

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари А. П. Хлебушкина (56-Дўстлик сайлов округи), Ш. К. Ҳайруллаев (169-Бухоро сайлов округи), Ҳ. Ш. Шарофиддинов (357-Сариосиё сайлов округи), А. Исаев (201-Томди сайлов округи), В. Р. Ниёзматов (73-Нариманов сайлов округи), А. Қўчқоров (251-Ҳаққулобод сайлов округи), К. В. Гребешков (207-Ленин сайлов округи), В. Н. Маҳмудов (364-Арнасой сайлов округи), Т. Р. Қаримова (130-Олтинкўл сайлов округи), В. Г. Гришчук (116-Олмазор сайлов округи), Муҳаммад Саид хожи Аҳмаджон Раҳматулло ўғли (460-Юқорибоғ сайлов округи), О. К.-С. Адаманов (325-Жом сайлов округи), А. Н. Возненко (400-Қурилиш сайлов округи), В. М. Карабельников (24-Завод сайлов округи), А. П. Солуянов (398-Фрунзе сайлов округи), Д. Ёқубов (249-Чортоқ сайлов округи), П. И. Сандазимов 243-Марказий сайлов округи) Ўзбекистон халқлари ўртасидаги анъанавий байналмилал муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлигини қўллаб-қувватлаб гапирдилар.

Шундан кейин депутатлар қонун лойиҳаларини муҳокама қилишга ўтдилар.

Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Ҳалилов милиция ходимларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаси хусусида маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари Т. Б. Ражапов (129-Кўмакай сайлов округи), Ш. Рўзимуродов (240-Қишлиқ сайлов округи), Б. Р. Парпиев (126-Панфилов сайлов округи), Ш. Нарзиев (171-Ғиждувон сайлов округи), Х. Ш. Шарофиддинов (357-Сариосиё сайлов округи), В. Р. Ниёзматов (73-Нариманов сайлов округи), Р. Ҳ. Абдуллаев (409-Марғилон сайлов округи), Н. А. Исмоилов (222-Қайнарбулоқ сайлов округи), Ўзбекистон ССЖ прокурори Б. М. Мустафоев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини асос учун қабул қилдилар ва уни ўзил-кесил ишлаб чиқиш учун Олий Кенгаш комитетига топширдилар.

Сўнгра Ўзбекистон ССЖнинг ҳарбий комиссариати тўғрисидаги низом лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсандов сўзга чиқди.

Низом лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари У. З. Олимов (371-Дўстлик сайлов округи), Р. Р. Раҳмонов (214-Тўқбой сайлов округи), М. П. Холбоев (343-Термиз сайлов округи), М. М. Мироқов (227-Майманоқ сайлов округи), Муҳаммад Солиҳ (Мадаминов Салой) (35-Профессорлар сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Депутатлар муҳокама чоғида тушган мулоҳаза ва таклифларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССЖнинг ҳарбий комиссариати тўғрисидаги низомни қабул қилдилар.

Депутатлар қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ -тартибот комитети тақдим этган «Савдода суистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖ қонунини иккинчи муҳокамада қабул қилдилар.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг рус тилидаги «Народное Слово» газетаси таъсис этилди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири этиб Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг раиси, ССЖИ халқ депутати А. Ғ. Мухторов тасдиқланди.

1991 йилнинг биринчи январидан жумҳурият Олий Кенгаши ва ҳукуматининг тожик тилида чиқадиган «Ҳақиқати Ўзбекистон», қрим татар тилидаги «Ленин байрағы», қозоқ тилидаги «Дўстик тун» газеталарини нашр этишга қарор қилинди.

Ўзбекистон конституциявий назорат комитети, Ўзбекистон ССЖ халқ депутатларига ғайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон ССЖнинг бир қанча вилоят ва Тошкент шаҳар судлари таркибига ўзгаришлар киритилди. Ўзбекистон ССЖ давлат нарх комитетининг раиси Қ. А. Аҳмедов марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Олий Кенгашнинг мудофаа масалалари комиссияси Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашнинг Мудофаа, давлат хавфсизлиги ва ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари комитетига айлантирилди. Депутат В. Р. Ниёзматов комитет раиси этиб сайланди.

Олий Кенгашнинг қарори билан ички ишлар иттифоқ-жумҳурият вазирлиги жумҳурият вазирлигига айлантирилди.

Б. Ф. Сатин ва Д. А. Усатов жумҳуриятдан ташқарига жўнаб кетганликлари ва депутатлик вазифаларини бажаролмасликлари муносабати билан уларнинг шахсий аризаларига кўра улар Ўзбекистон ССЖ халқ депутати ваколатларини муддатидан олдин тугатилиши тўғрисида қарор қабул этилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши раисининг собиқ ўринбосари А. Р. Хўжаевни ва Ўзбекистон ССЖнинг собиқ ижтимоий таъминот вазири Х. Е. Ёқубжонова эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш тўғрисида илгари қабул қилинган фармонлар таъриф-ини ўзгартирди.

Сессия ишини давом эттирилади.

Далалар уйғоқ

НАВБАТ — ШУДГОРЛАШГА

Жумҳурият хўжаликларида пахта ҳосилидан тозаланган майдонларни шудгорлаш жадал бошлаб юборилди. Ҳозиргача 350.000 гектардан зиёд ер ҳайдалди.

Бу йил жумҳуриятимиз пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Ватан хирмонига қарийб 5 миллион тонна қиммат-баҳо саноат хом ашёси етказиб берилди. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ва вилоятларнинг ҳаммаси йиллик режани ошириб адо этди. Бунақаси яқин йиллар ичида кузатилмаганди.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раёсатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида таъкидланганидек, бу муваффақият фақат қулай об-ҳаво шароитининг самараси бўлиб қолмай, биринчи навбатда жумҳурият халқ хўжалигининг ушбу энг муҳим тармоғида амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасидир. Буйруқбозлик-маъмуриятчилик услубидан воз кечилгани, хўжаликларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилгани, пахта харид нархи ва терилган оқ олтинга тўланадиган ҳақнинг оширилгани жорий йил йиғим-терим мавсумида ҳал қилувчи омил бўлди. Бу боис келгуси йил ҳосилига мустаҳкам замин яратиш ҳозирги пайтда ғоят муҳим вазифадир.

Илғорлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, агротехника тадбирлари мажмуи қулай муддатларда ўтказилиши экинлардан мўл ҳосил етиштиришни, унинг тез етилишини таъминлайди. Бу шудгорлашга ҳам тааллуқли. Бироқ ана шу юмушни сифатсиз, далани ғўзапоядан тозаламай туриб ва ўғит солмасдан бажариш асло мумкин эмас. Бу ҳол ерни экишга тайёрлаш ва ниҳолларни парваришлашда кўпдан-кўп қўшимча қийинчиликлар туғдиришини унутмаслик керак. Айни пайтда майдонларни рисоладагидек текислаб, қисқа муддатда шўрни сифатли ювиш зарур. Бунда ҳар бир вилоятнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш, 1991 йил ҳосилига қатъий илмий асосда тамал тошини қўйиш муҳимдир.

— Қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли бажаришнинг асосий шартларидан ҳисобланади, — дейди Нишон районидаги Беруний номли давлат хўжалигининг илғор бригада бошлиғи Нурилла Илёсов.—Меҳнат аҳли жорий йилда икки режа миқдорида пахта топширди. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши механизаторларга ҳайдалган бир гектар ер учун 10 сўмгача, шунча миқдордаги майдоннинг шўрини сифатли ювиш учун эса 8 сўм тўлашни тавсия этганлиги айни муддао бўлди. Бундан руҳланган ишчиларимиз ҳосилдан бўшаган пайкалларни пешма-пеш шудгорламоқдалар. Ҳар ҳайдов трактори ёрдамида 6—7 гектар майдон қўлдан чиқарилаяпти. Бу юмуш 10 ноябрга қадар тугалланади.

И. ҲОТАМОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: 1. Бригада бошлиғи Нурилла Илёсов. 2. Шудгорлаш пайти.

Ш. СУЛТОНОВ олган суратлар.



ЗАФАРНОМА

Пахтазорларда йиғим-терим давом этмоқда. Заршунослар пешона тери эвазига етиштирилган пахтани нест-нобуд қилмасдан тезроқ йиғиштириб олиш пайидан бўлишаяпти. Йиллик режа ва мажбуриятларни бажарган районлар ҳамда хўжаликлар сони эса тобора кўпаяётир.

КИРОВ

Район пахтакорлари пахта тайёрлаш юзасидан белгиланган давлат буюртмасини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига қарийб 56 минг тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик салкам 29 центнерни ташкил этди. Партия, совет, касаба уюшмаси ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ишлари, мутахассислар ва дала меҳнаткашларининг ғайрат-шижоати туфайли ана шу муваффақиятга эришилди.

Қўлга киритилган ютуққа «Партия XX съезди», Киров номли, «СССР 60 йиллиги», «Бешариқ», «Октябрь 40 йиллиги» давлат хўжаликлари, «Москва» ва «Искра» жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда ҳозир мажбурият ҳисобига оқ олтин сотилмоқда.

УСМОН ЮСУПОВ

Қашқадарё вилоятининг кўриқ минтақасида жойлашган бу район заршунослари бир неча кундирки, режага қўшимча пахта тайёрламоқдалар. 15.580 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан хирмон кўтарилди. Хирмонга 35.940 тонна ўрнига 37.980 тонна оқ олтин топширилди. Унинг 90 фоизи биринчи навга сотилди.

Қатор жамоаларда жорий йил йиғим-терим мавсуми қисқарди, Калинин номли ва Ульянов номли давлат хўжаликларида зафар марраси атиги 25 иш кунида бажарилди. Бунга машиналар шарофати туфайли эришилди. Район далаларида 320 та агрегат унумли ишлатилди. Уларнинг ёрдамида 12.800 тонна пахта саранжомланди. Норбой Шодмонов, Мажид Аҳмедов, Тўрақул Бозоров, Аҳмад Мўминов каби суворийлар эса 180—220 тоннадан оқ олтин тердилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари тўғрисида»ги маърузасини муҳокама қилиб, қуйидагиларни таъкидлайди: жумҳурият ижтимоий соҳаси ва иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ўтмишда йиғилиб қолган кўпгина муаммолар, халқ хўжалигини ривожлантиришда йўл қўйилган хатолар кескинлашганлигининг оқибатидир.

Ўтмишда ўтказиб келинган иттифоқ вазирликлари ва идораларининг зўравонлик сиёсати, жумҳуриятга хос миллий-маданий, тарихий-нуфус хусусиятлари ва бошқа хусусиятларни писанд қилмайдиган ана шу сиёсат ишлаб чиқарувчи кучларни нотекис жойлаштиришга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг Ўзбекистон халқ хўжалиги ва аҳолиси эҳтиёжларига мос келмайдиган бузилган тузилишига, табиий муҳитнинг нормал қайта тикланиши ҳаддан ташқари бузилиб кетишига олиб келдики, бу нарса экология вазиятини бениҳоя кескинлаштириб юборди. Аҳоли турмушининг барча асосий кўрсаткичлари жиҳатидан жумҳурият умумиттифоқ даражасидан орқада турибди.

Ижтимоий соҳадаги баъзи ижобий силжишларга, ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш сўръатлари умуман Иттифоққа нисбатан бирмунча юқори эканлигига қарамай, жумҳуриятда ижтимоий-иқтисодий кескинлик ҳамон давом этмоқда, баъзи салбий ҳодисалар кучаймоқда. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоси тобора кескинлашиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ўзгартишларнинг сўръатлари ва миқёсларига тўсқинлик қилаётган янги омиллар ҳамда тамойиллар вужудга келмоқда. Пул-молия системаси издан чиққанлиги, хўжалик алоқалари бузилганлиги, меҳнат ва шартнома интизоми ёмонлашганлиги, истеъмол бозори номутаносиб ҳолга келиб қолганлиги, моллар ва хизматлар тобора етишмай қолаётганлиги аҳолининг турмуш шароитларига салбий таъсир қилиб, кейинги вақтларда жумҳурият тараққиётида бошланган ижобий ўзгаришларни заифлаштириб қўймоқда.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали вужудга келган мураккаб аҳволдан амалий равишда қутулиш, ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мумкин деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари маъқуллансин.

2. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида жумҳурият аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан ночор табақаларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳукуматнинг биринчи галдаги тадбирларига, шунингдек мазкур масала юзасидан ўртоқ Ш. Р. Мирсаидов таклиф этган чора-тадбирларга розилик берилсин.

3. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши:

барча поғоналардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан биргаликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг белгиланган йўналишлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминласин, бу йўналишларни амалга ошириш пайтида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари томонидан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессиясида айтилган мулоҳаза ва таклифларни эътиборга олсин;

истеъмол бозорини ва пул муомаласини тезроқ барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг, унинг турмуш даражаси пасайиб кетишига йўл қўймасликнинг, меҳнат имкониятларидан янада тўла-тўкис ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратишнинг ишончли давлат воситасини шакллантириш соҳасидаги ишни жуда қисқа муддатларда биринчи галдаги вазифа сифатида пухта уюштирсин;

ўз фаолиятини Ўзбекистон ССЖ иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, бошқа жумҳуриятлар билан, ССЖ Иттифоқи билан ва ташқи иқтисодий соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил этиш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратсин;

мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш, давлатнинг мол-мулкини меҳнаткашлар иштирокида ва уларнинг манфаатларини кўзлаб давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

интивомни, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни бутун чоралар билан мустаҳкамлашни таъминлашга алоҳида эътибор бериш.

4. Халқ депутатлари кенгашлари асосий йўналишларни амалга ошириш тадбирлари мажмуини бажариб, қуйидаги вазифаларни биринчи галда ҳал қилишни кўзда тутсинлар:

тегишли ҳудудларнинг иқтисодий ҳолати соғломлаштирилиб, халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш йўналишларига аниқлик киритилсин;

аҳолини, айниқса унинг кам даромадли табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ўтиш даври салбий оқибатларини имкони борича юмшата оладиган системаси амалга оширилсин, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланилсин, меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан таъминлансин;

минтақаларнинг истеъмол бозори халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва пулли хизмат кўрсатиш ҳажмларини ҳамда турларини кўпайтириш орқали озиқ-овқат ва саноат моллари билан мўл-кўл таъминлансин;

қишлоқ ва қўрғон кенгашларининг, маҳалла комитетларининг мавқеи оширилсин, аҳолининг ижодий ва ишлаб чиқариш фаоллигини кучайтиришга, ҳунармандчиликни ва бадиий касб-корликни, миллий маданият ҳамда санъатни тиклаш ва ривожлантиришга, халқ байрамларини, ҳашарлар ва бошқа маъракаларни ўтказишга онд муҳим муаммоларни ҳал этиш ularнинг зиммасига тушади;

ҳудудни бошқаришнинг иқтисодий усуллари кенг жорий этилсин, кордонлик ривожлантирилсин, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳудуд захираларидан хўжаликда яхшироқ фойдаланилсин, корхона ва ташкилотларда хўжалик юритишнинг янги илғор шаклларидан фаол фойдаланиш учун қулай шароит яратилсин;

биргаликда сармоя солиш, фан-техника, ижтимоий-маданий, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа фаолият соҳасида иттифоқдош жумҳуриятлар ва минтақалар билан иқтисодий алоқалар кучайтирилсин.

5. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари қандай амалга оширилаётганидан Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

6. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раёсати, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг комитетлари билан биргаликда Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиб, тақдим этсинлар.

7. Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши жумҳуриятнинг барча меҳнаткашларига мурожаат этиб, Ўзбекистон ССЖ ҳар бир фуқаросининг муносиб яшашини таъминлаш мақсадида халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишларини ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидаларини рўёбга чиқариш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга чақиради.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг раиси.
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 29 октябрь.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ВА МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ КОМИТЕТИНИНГ ҚЎШИМЧА МАЪРУЗАСИ

Маърузачи—депутат С. С. ҒУЛОМОВ

Бизнинг комитетимиз аъзолари ҳукуматнинг лойиҳасини таҳлил этиб чиқдилар ва бу лойиҳа жумҳуриятнинг тараққиётининг энг муҳим масалаларига — қайси асосий муаммоларни ҳал этиш, уларни қандай қилиб ҳал қилиш лозим, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш учун нималар қилиш керак, деган саволларга жавоб беради, деган фикрга келдилар.

Бу — айни бизнинг, жумҳуриятимизнинг лойиҳаси бўлиб, ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий хусусиятларни энг кўп даражада ҳисобга олади. Уни амалга ошириш туфайли ўзбек халқининг миллий ўзлигини қайта тиклашга, янгиланган федерацияда жумҳуриятнинг мавқеини оширишга кўмаклашиш мумкин бўлади. Бундан ташқари Ш. Р. Мирсандовнинг маърузасида жумҳурият кенг жамоатчилигининг таклифлари ҳисобга олинди. Комитет бу ҳужжатни асосан маъқуллашни халқ депутатларига таклиф қилади.

Айни вақтда комитет аъзолари таклифлар, мулоҳазалар айтишдики, бизнинг фикримизча, улар лойиҳани анча яхшилаши лозим.

Инсон, уни ақлу зиёси, унинг ташаббуси ва ижодкорлиги, кордонлик фаолиятни барқарорлаштиришнинг бош воситаси, бозор муносабатларига ўтишнинг шу пайттача вужудга келган ва етилган муаммоларини ҳал қилишнинг энг муҳим омили эканини исботлашнинг ҳожати йўқдир. Шу сабабли лойиҳада махсус бўлим ажратиб, унда инсон иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ва бозор муносабатларини ривожлантиришнинг мақсади эканини, барча вазифаларнинг ҳал этилиши инсон омилини кучайтиришга, одамларнинг манфаатдорлигини, масъулиятини, онг-лилигини, умумий ва касбкор маданиятини оширишга боғлиқ эканини кўрсатиш лозим бўлур эди.

Хўш, бу янги бўлимда, бизнинг назаримизда нималарни акс эттириш керак?

Замонавий сиёсий ва иқтисодий тафаккурга эга бўлган бозор муносабатлари фаол қатнашчиларини вояга етказиш, янги аҳвол руҳиятини шакллантириш чора-тадбирларини кўриш зарур. Эски иқтисодий система, аввалги кўпгина дастурларимиз барбод бўлганлиги аввало бизнинг таълим системамиз барбод бўлганини билдиради. Ҳозир таълим системасини тубдан яхшиламай туриб, энг муҳим сифат ўзгаришларини қилмай туриб, маданий бозор бўлиши мумкин эмас. Халқ замонавий илм-фан ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан самарали фойдалана олиши, бозор муҳитида меҳнат қила олиши, илм-фанга асосланган, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқара олиши учун унинг маълумот даражасини ошириш йўналишларини батафсил баён қилиш керак.

Бу эса бошланғич синфлардан тортиб то олий илмгоҳдан кейинги таълимгача ўқиш дастурини бутунлай қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Жумҳуриятда ва унинг вилоятларида кадрлар тайёрлайдиган махсус марказлар, кордонлик мактаблари ва бошқа шаклдаги таълим масканларини вужудга келтириш, масалан, ёшларни давлатлараро шартномалар асосида билим ва малака орттириш учун чет элларга ишга юбориш лозим. Бу иш учун давлат бюджетининг маблағинигина эмас, шу билан бирга корхоналарнинг, турли хайрия жамғармаларининг, халқаро ташкилотларнинг, қўшма корхоналарнинг маблағларини, шу жумладан уларнинг валюта маблағларини жалб қилиш лозим. Биз гўзаллик мусобақаларини ўтказиш, бошқа кўнгилочар маъракаларни ташкил қилиш учун ҳомийларни топяпмизку, ахир, халқнинг маълумотини ошириш учун улардан янада кўпроқ фойдаланиш керак. Маълумотли халқ меҳнатга, бойликлардан фойдаланишга, истеъмолга бошқача муносабатда бўлади. Бор бисотимизнинг талонторож бўлишига йўл қўймайди, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлади. Биз илму зиё салоҳиятини қулф урдирмай туриб жумҳуриятнинг тўла мустақиллигини таъминлай олмаймиз.

Ижтимоий ҳимояланиш аввало ҳар бир кишига ўз эҳтиёжларини қондириш учун мустақил равишда ишлаб маблағ топиш имкониятини бериб қўйишдан, боқимандалик ва текисчилик аҳвол руҳиятини бартараф этишдан иборат бўлади, деб ҳисоблаймиз. Меҳнат инсонни қарор топтириш ва камолатга эриштиришнинг белгиловчи шартидир, модомики, шундай экан, лойиҳада меҳнатни инсонийлаштириш, инсон омилидан оқилона фойдаланиш зарурлигини уқтирмоқ керак. Ёш авлодга касб-кор таълими бериш учун керакли маблағларни устун даражада кўпайтиришни кўзда тутиш, мана шу таълимнинг ҳар хил шаклларини таъминлаш, шу тариқа ёшларнинг ишсиз қолиш хавфини амалий равишда камайтириш зарур. Ниҳоят, мана шу янги бўлимда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш керак: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг бутун давлат воситаси жамоатчиликнинг амалий назорати остида бўлади. Бу соҳада маҳалла комитетларининг, қишлоқ, қўрғон Советларининг, касаба уюшма ташкилотларининг, бошқа жамоат уюшмаларининг ўрни ва мавқеи айниқса ошади. Айни улар ҳар бир оиланинг муҳтожлик даражасини аниқ белгилашлари, ижтимоий адолатни таъминлашлари мумкин.

Дастурда тўлароқ ифодаланиши талаб этиладиган муаммоларнинг иккинчи гуруҳи — бу истеъмол бозорини шакллантиришдир. Бунда аввало Умумиттифоқ бозорининг таркибий қисми сифатида Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистоннинг умумий бозорини вужудга келтириш назарда тутилмоқда. Бу ҳақда лойиҳада ҳеч нарса дейилмаган. Бизнинг Ўрта Осиё минтақамиздаги барча жумҳуриятлар умумий миллий, маданий, тарихий анъаналарга эга, иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Улар сув, энергетика ресурсларининг умумий системасига, ягона транспорт схемасига эга. Бозорнинг ушбу табиий белгиларидан ягона иқтисодиётни вужудга келтиришда фойдаланиш, бу иқтисодиётга умумий молия-кредит системаси ва нарх белгилаш системаси асос қилиб олиниши лозим. Яхлит ҳолга келтирилган бундай бозорнинг ташкил этилиши ишчи кучларидан, табиий бойликлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, янада самарали халқаро алоқалар ўрнатиш, эркин иқтисодий зоналар барпо этиш имконини беради.

Жумҳуриятлар раҳбарларининг Олмаотада бўлиб ўтган учрашуви интеграциялаш масалаларини сиёсий жиҳатдан ҳал этишнинг мустаҳкам заминини яратди. Энди мазкур муаммони ҳал этишнинг иқтисодий жиҳатларини лойиҳада аниқ ифодалаш лозим.

Биз меҳнаткашларни илғор техника ва технология асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўргатиш, уларни ишлаб чиқарувчи эмас, балки маҳсулотнинг истеъмолчиси, унинг харидори ҳал этувчи овозга эга бўладиган рақобат шароитида яшашга ўргатиш учун хизмат қилувчи тадбирлар мажмуини амалга оширишимиз керак.

Шу муносабат билан комитет иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуриш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун иқтисодий воситаларни, солиқ солиш системасини ишга туширишни, Иттифоқ корхоналаридан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш жараёнини тезлаштиришни таклиф қилади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тижорат банкларини жалб этиш лозим. Улар келаси йилиёқ пахта тозалаш заводларининг валютасига чет эллан мева ва сабзавотни қайта ишловчи кичик ва ўртача корхоналарни сотиб олиши, кейин уларни ижарага бериши ёки шахсий мулк сифатида сотиши мумкин бўлур эди. Тижорат банклари йирик корхоналар ускуналарининг бир қисмини ва хом ашё ресурсларини сотиб олиши, уларни матлубот жамиятининг жамоа корхоналарига фойдаланиш учун, оилавий ижара учун бериши мумкин.

Йирик корхоналар кичик ва ўртача корхоналарнинг муассислари сифатида чиқиш имконига эга бўлиши лозим. Майда кордонликни, овчилик ширкатларини, ҳунармандчиликни тиклаш учун келаси йил бошлариданоқ район комбинатлари ҳузурида турли курслар ва таълим мактаблари кенг тармоғини ташкил этиш керак. Айниқса эски ҳунармандчиликларни тиклаш учун давлат бюджетидан пул билан таъминлаш марказлаштирилган манбаларидан фойдаланиш лозим. Чунки сарфланган бу маблағлар рухсатномалар сотиб олиш, ҳунармандлар даромадларига солинадиган солиқлар, бозорнинг зарур моллар ва хизматлар билан таъминланиши орқали тезда ўзини оқлайди. Бу ерда шунингдек жумҳуриятда ҳам, ундан ташқарида ҳам мутасаддилардан фойдаланиш керак бўлади.

Муаммоларнинг учинчи гуруҳи — бозор ёрдамчи муассасаларини, пойдеворини барпо этишдир. Бу жумҳуриятни бозор муносабатларига тайёрлашда алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда жумҳуриятни ахборот билан таъминлаш вазифаси биринчи ўринга чиқади. Ишлаб чиқарувчиларни ҳам, истеъмолчиларни ҳам ахборот билан тўла таъминламай туриб, бозор биносининг ўзини қуриб бўлмайди, ҳеч қандай бозор, у хоҳ меҳнат, сармоя, истеъмол, молия бозори бўлсин, пухта йўлга қўйилган ахборот хизматисиз ишлай олмайди. Биз информатика саноатининг, маълумот олиш, узатиш, қайта ишлаш ва ундан фаол фойдаланишнинг ривожланган системасини вужудга келтиришга киришишимиз зарур. Бозор эҳтиёжлари учун ЭҲМ системаларидан, якка тартибда ишлатиладиган компьютерлардан, электрон почтадан, телефакслардан, алоқа ва ҳисоблаш техникасининг бошқа замонавий воситаларидан фойдаланиш, ҳисоблаш хизматлари, сервис хизмати, маълумотлар банклари ва программали таъминлашнинг кенг тармоқли системасини вужудга келтириш лозим. Буларсиз ички ва ташқи сиёсатимизнинг барча энг муҳим муаммоларини ҳал этиш, молия ва солиқ солиш милларининг таъсирчанлигини, аҳоли камбағал табақаларини ҳимоя қилишни таъминлаш мумкин эмас. Барча турдаги ресурслар нобуд бўлишини камайтириш, талаб ва таклифни оптималлаштириш йўли ана шу. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини юмшатиш йўли ана шу.

Бозор ёрдамчи муассасаларини барпо этиш мамлакат турли минтақалари ўртасидаги ўзаро фойдали алоқаларнинг ривожланишини таъминлаши лозим. Ўнлаб йиллар мобайнида маъмурий-буйруқбозлик системасининг ҳукмронлиги муносабатларнинг юқоридан қуйига ривожланиши билан боғлиқ бўлиб келди. Энди биз жумҳуриятлараро тенг қийматли айирбошлашларни амалга оширишимиз, бевосита алоқаларни ривожлантиришимиз, ўзаро озиқ-овқат ва саноат моллари етказиб бериш тўғрисида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузишимиз, хорижий мамлакатлар билан самарали савдо қилишимиз керак. Бу ишларнинг ҳеч бирини тегишли ёрдамчи муассасаларни вужудга келтирмай туриб амалга ошириб бўлмайди, демак «эски уй»ни бузишга ҳам шошилмаслик лозим. Шу туфайли комитет ана шу масалаларнинг барчасини махсус бўлимга киритишни, мазкур муаммони ҳал этишнинг босқичларини бу жараён фаол бозор муносабатларининг ривожланишига самарали қўмаклашадиган қилиб белгилашни таклиф этади.

Шу билан бирга лойиҳанинг турли бўлимларига оид мулоҳазалар жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни барқарорлаштириш ва уни бозор муносабатларига ўтказиш жараёнлари билан боғланган. Комитетнинг навбатдаги мулоҳазалари қуйидагилардан иборат:

Муқаддимада бу ҳужжатнинг мақсадини янада аниқроқ таърифлаб бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш вазифаларини ва асосий ёндашувларини, бозор муносабатлари асосида эришилиши лозим бўлган натижаларни — бўндан халқ қандай наф кўришини кўрсатиб бериш лозим. Сув хўжалиги, суғорма деҳқончилик тўғрисидаги масалани алоҳида ажратиш, бу соҳада жумҳурият миқёсидаги бошқарув сақланиб қолишини, давлат бюджетининг бу тармоққа ажратиладиган маблағлари камаймаслигини таъкидлаш керак. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг мана шу энг муҳим муаммосини, ундаги барча тармоқларнинг негизини ҳал қилиш солиқларга, йиғимларга боғлиқ бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу мақсад учун турли-туман солиқлар қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг аҳволи ёмонлашишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки баъзан шундай бўлади: бир томондан харид нархларини оширамиз, иккинчи томондан эса солиқ юкини оғирлаштиришга интиламиз.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишнинг айрим йўналишлари бўйича баъзи қоидаларнинг мавҳумлик руҳини бутунлай истисно қилиш учун бу тадбирларни амалга оширишга воситаларини (мол-мулкни давлат ихтиёридан чиқариш, хусусийлаштириши) аниқроқ очиб бериш керак.

Аҳоли ночор гуруҳларининггина эмас, балки барча меҳнатчиларнинг, шу жумладан қатъий маош, иш ҳақи оладиган кишиларнинг ҳам ижтимоий ҳимояланиши тўғрисидаги қоидани махсус равишда ажратиб кўрсатиш (индексласш) зарур. Жумҳуриятда яшовчи ҳар бир киши бозорга ўтилиши ўз турмуш даражасининг жуда насайиб кетишига олиб бормаслигидан кўнгли тўқ бўлсин Зеро бизнинг барча ислоҳотларимиз инсон учун қилинмоқда.

Пулнинг қадрсизланиши жуда кучайиб кетишига йўл қўймаслик учун жумҳуриятга бошқа минтақалардан кўп миқдорда пул тушишини чеклаш йўллари ва усулларини белгилаш лозим. Айни вақтда бошқа мамлакатлардан, айниқса Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Япониядан моллар ташиб келтириш учун бозорни анча кенг миқёсларда очиб қўйиш керак. Бу тадбир аҳоли эркин пул маблағларининг анчагина қисмини «боғлаб қўйиш», пулнинг қадрсизланишини камайтириш имконини беради. Сармоя сарфлаш сиёсати келгусида иқтисодиётимизнинг қолоқлигига олиб бормаслиги учун шу сиёсатга алоқадор масалаларнинг бутун мажмуини янада пухтароқ ўйлаб чиқиш керак. Бусиз ҳам биз ижтимоий-иқтисодий ва фан-техника тараққиётининг энг муҳим кўрсаткичлари соҳасида мамлакатда охирги ёки охиргидан аввалги ўринни эгаллаб турибмиз.

Маблағларнинг моддий имкониятлар ва қурилиш ташкилотларининг қувватлари билан мувозанатлаштириш муаммоларини ҳал қилиш ҳам лозим. Пудрат ишлари бозорининигина эмас, шу билан бирга аввало, қурилишларнинг чўзилиб кетишига йўл қўймаслик учун пудрат қувватлари бозорини вужудга келтириш, чала қурилишларни кескин камайтириш керак. Шу билан бирга сармоя мажмуи учун ресурс имкониятларини жумҳуриятдангина эмас, унинг ташқарисидан ва ҳатто жаҳон бозоридан ҳам топиш керак.

Ҳукумат тақдим этган «Асосий йўналишлар» лойиҳаси хусусидаги бизнинг энг муҳим мулоҳазаларимиз мана шулардан иборат. Комитетнинг фикрича, лойиҳани муҳокама қилиш чоғида жумҳурият Олий Кенгашига тушган бошқа кўпгина тавсиялар каби мана шу мулоҳазалар ҳам ҳисобга олиниши керак.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ-ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ РАЁСАТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат-тафтиш комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлисида Сурхондарё вилоят партия ташкилотида Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурининг қишлоқларни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш билан боғлиқ қисми раҳбар коммунистлар томонидан қандай таъминланаётганини партиявий назорат қилиш ҳолати кўриб чиқилди.

Сурхондарё вилояти иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси жиҳатидан жумҳуриятда охирги ўринлардан бирида турибди. Бу айниқса аҳолининг кўпчилик қисми яшаб турган қишлоқ жойлари учун хосдир. Бу ерда меҳнат ресурслари ортиқча бўлишига қарамай, саноат корхоналарининг бўлимлари ва цехлари тармоғи ҳаддан ташқари суст ривожлантирилмоқда. Ўй-жой билан таъминланиш секинлик билан ўсмоқда. Олисдаги кўпгина қишлоқлар шу пайттача электр билан таъминланмаган, колхоз, совхозларнинг кўпгонларида ва ҳатто район марказларида марказлаштирилган сув ва газ таъминотининг даражаси ҳаддан ташқари паст. Болаларнинг атиги бешдан бир қисми мактабгача тарбия муассасаларига қатнамоқда. Савдо майдонлари нормативдан икки баравар кам. Қишлоқлардаги мактаблар ва соғлиқни сақлаш муассасаларида муаллимлар ва тиббий ходимлар ниҳоятда етишмаяпти. Асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш жон бошига жумҳуриятдаги ўртача даражадан анча паст, аҳоли жон бошига пули ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида эса вилоят жумҳуриятда ўн биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Текширишдан маълум бўлишича, кейинги вақтларда вилоят партия ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари асосида раҳбар кадрларнинг тафаккури ва руҳиятини қайта қуриш, Ўзбекистон ССЖ Президентининг ижтимоий масалаларни жадал ҳал этишга қаратилган ҳамда одамларнинг, айниқса кам даромадли аҳоли табақаларининг талаб ва эҳтиёжларини акс эттирадиган маълум фармонларини амалга ошириш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан жумҳуриятҳукуматининг тегишли қарорларини бажариш соҳасида муайян иш қилмоқдалар.

Шу билан бирга айрим раҳбар коммунистларнинг ва улар бошчилик қилаётган партия, Совет ва хўжалик идораларининг фаолияти устидан принципиал партиявий назоратнинг етарли эмаслиги, назорат ишида мунтазамлик ва планлиликнинг йўқлиги республика партия ташкилоти учун умумпартиявий аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжатларнинг сиёсий моҳиятини пасайтириб қўйди. Вилоят партия ташкилотлари ўзларининг сайлаб қўйилган органлари, партиянинг қуйи бўғинлари ишини кучайтириш учун вужудга келган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланмадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда ижтимоий адолат қоидаларини бузишга оид баъзи фактлар тўғрисида» 1990 йил 12 февралда қабул қилган қарори саккиз ойдан буён писанд қилмай келинмоқда. Марказий Комитетнинг мана шу қарорига, Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастурининг принципиал қоидаларига етарли баҳо берилмаётганлиги, партия комитетларининг аппарати томонидан ҳам, шунингдек назорат-тафтиш комиссиялари томонидан ҳам таъсирчан назоратнинг йўқлиги ижтимоий адолат қоидалари кўплаб бузилаётганлигининг, раҳбар кадрларнинг суиистеъмоллари тўғрисидаги хат ва аризалар, шу жумладан юқори партия идораларига юборилаётган шикоятлар кўпайиб бораётганлигининг асосий сабабларидир. Асосан мана шу сабабларга кўра ижтимоий жиҳатдан муҳим объектлар қурилиши орқада қолмоқда. Йиллик режаларни бажариш учун уй-жой, мактаблар, касалхоналар белгиланган ҳажминнинг қарийб ярмини, мактабгача тарбия муассасаларининг 80 фоизини, поликлиникаларнинг 90 фоизини тўртинчи кварталда топириш зарур бўлади. 9 ой мобайнида қишлоқ жойларда бironта тиббий амбулатория ишга туширилмади. Колхоз ва совхозларда автомат телефон станцияларини ишга туширишни топшириғи бажарилмаяпти. Бунинг устига вилоят партия комитети ҳам, вилоят ижроия комитети ҳам 1987 йилдаёқ вилоятда уй-жой қурилиши ва ижтимоий ривожланишнинг 2 минг йилгача мўлжалланган дастурини тасдиқлаган бўлсалар ҳам, дастур бажарилишининг боришини, партия конференциялари қарорларини ва депутатларнинг хоҳиш-талабларини эътиборга олиб, ўз ишларига тузатиш киритмадилар. Ҳолбуки, аҳолига ёғоч, шифер, цемент ва бошқа қурилиш материалларини сотиш бир йил давомида атиги 2 фоиз кўпайди, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳаддан ташқари секинлик билан ривожланмоқда, вилоятда эса бундай хом ашё заҳиралари ва турлари етарли.

Назоратсизлик оқибатида ссуда ва кредитлар ажратишда, лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштиришда, аҳолига омихта ем сотишда, уй-жойни, камчил молларни ҳисобга олиш ва тақсимлашда, пенсия таъминотини тартибга солишда катта хатоларга йўл қўйилди.

Бир қанча жойларда муайян тоифадаги аёллар учун бепул овқат ва дармондори, мактаб ўқувчиларига бепул нонушта беришни ташкил этишда ҳам камчиликлар ва расмий, тўраларча муносабат мавжудлиги аниқланди.

Барча поғоналардаги Советларнинг депутатлари бўлган уч минг коммунистнинг кўпчилиги мана шу муҳим ишлардан четда қолди, уларнинг олдига Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастуридан келиб чиқадиган аниқ-равшан вазифалар қўйилмади. Ветеранлар ташкилотларининг имкониятларидан суст фойдаланилмоқда, бу ташкилотлар ўз фаоллари ёрдамида масалаларни ҳал этишда ва жойларда назоратни кучайтиришда кўмаклашишлари мумкин бўлур эди. Вилоят партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссиялари ички партиявий ишни такомиллаштиришда, раҳбар коммунистларнинг шахсий масъулиятини оширишда муносиб ташаббускорлик ва қатъият кўрсатмаяптилар. Улар ҳали ҳам ижроия органларининг раъйига қараб ишламоқдалар, бу органларнинг аппарати фаолиятини ўз ваколатлари доирасида деярли назорат қилмаяптилар, муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий масалаларни ҳал қилишга коммунистларни сафарбар этишга фаол кўмаклашмаяптилар.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати вилоят партия ташкилотининг ижроия ва назорат идоралари раҳбарларининг диққат эътиборини белгиланган тадбирларни амалга оширишдаги сусткашликка, ноизчиликка, жумҳурият партия ташкилоти сайловолди ҳаракат дастурини, Ўзбекистон ССЖ Президентининг фармонларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ижтимоий соҳани устун равишда ривожлантириш ҳақидаги қарорларини бажариш учун партия комитетлари ва ташкилотларининг, Совет ва хўжалик идораларига раҳбарлик қилаётган коммунистларнинг иши устидан муносиб назорат ва шахсан талабчанлик йўқлигига қаратди.

Вилоят партия комитети бюросининг аъзоларидан В. Г. Грабилин, Т. М. Менглиевнинг ҳамда вилоят партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари Т. Н Жўраеванинг вилоят партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси ижтимоий сиёсатини тўла-тўкис амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган барча ишларни қилади, ижтимоий адолат қоидаларини бузган ёки ўзининг фаолиятсизлиги билан партия обрўсига зиён етказган коммунист раҳбарларга нисбатан партиявий таъсир кўрсатишнинг қатъий чоралари кўрилади, деган баёнотлари маълумот учун қабул қилинди. Жойлардаги назорат ишини кучайтириш юзасидан вилоят партия ташкилотининг ижроия ва назорат органларига аниқ тавсиялар берилди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати жумҳуриятдаги шаҳар ва район партия ташкилотлари назорат-тафтиш комиссияларининг жойлардаги назорат ишини уюштириш соҳасидаги фаолияти дастлабки натижаларини таҳлил этди. Мазкур масалага оид хат назорат-тафтиш комиссияларининг фаоллари танишуви учун юборилди ва у ташкилий давр ҳаддан ташқари чўзилиб кетган жойлардаги комиссияларга биринчи галда методик ёрдам бериш мақсадини кўзлайди.

Коммунистларнинг КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига йўллаган шикоят ва аризалари қандай кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги хат муҳокама қилиниб, жойларга юборилди. Бу шикоят ва аризаларнинг анчагина қисми вилоят партия комитетларининг назорат-тафтиш комиссияларида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Ўтган йилардан фарқли ўлароқ шахсий ишларни ва аризачиларнинг далил-исботларини Ўрганишда бошланғич партия ташкилотларининг ва меҳнат жамоаларининг фикрига алоҳида эътибор берилди. 20 октябрга қадар 199 та шикоят кўриб чиқилди, уларнинг 84 таси юзасидан партияда қайта тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди, 52 аризачининг илтимоси рад этилди, 38 киши ўз аризасини қайтариб олди. Партия съездларига йўлланган шикоятларда баён этилган айрим фактларни пухта ўрганиш зарурати билан боғлиқ бўлқан қийинчиликларга қарамай, бу ишни 1990 йилнинг 15 декабрига қадар тўлатўкис тугаллаш белгиланди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсатида Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзосининг мафабрикасининг собиқ директори, ҳозирги Шаҳрисабз давлат кооператив деҳқончилик-саноат бирлашмасининг етакчи мутахассиси Г. Ф. Зайниддиновага нисбатан ҳам шундай қарор қабул қилинди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси ҳузуридаги партия комиссиясининг Л. Г. Райскийни оқлаш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқди. 1918 йилдан партия аъзоси Л. Г. Райский Октябрь инқилобини Қизил Армия сафида кутиб олди, 1920 йилгача унинг сафида хизмат қилди. У коммунистик дорилфунунни ва Қизил профессорлар илмгоҳини тамомлагач, шундан кейинги бутун умрини, аввал Москва ва Ленинград давлат дорилфунунларида, сўнгра эса Ўрта Осиё давлат дорилфунунида муаллимлик ишига бағишлади. 1936 йилнинг 2 июнида қамоққа олинди, ўша йилнинг 11 октябрида гўё аксилинқилобий жиноятлари учун суд қилиниб, отишга ҳукм қилинди. Ҳукм ўша куниёқ ижро этилди. 1936 йил 19 июль куни Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг бюроси уни икки юзламачилиги ва троцкийчилик фаолиятини яширинганлиги учун партия аъзолари сафидан чиқарган эди. ССЖИ олий суди ҳарбий коллегиясининг 1957 йил 11 майдаги ажримига биноан Л. Г Райскийга нисбатан 1936 йил 11 октябрь ҳукми бекор қилинди ва жиноят йўқлиги сабабли иш тўхтатилди.

Мазкур масалага оид материалларни пухта ўрганиш натижасида Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати Ленин район партия комитети бюросининг Л. Г. Райскийни партиядан чиқариш тўғрисидаги 1936 йил 19 июль қарорини асоссиз деб бекор қилди. Қабул этилган қарорга муваффақ марҳум Леонид Григорьевич Райский партиявий жиҳатдан оқланди.

Коммунистларнинг шахсий ишлари, шикоятлари ва илтимосномалари юзасидан қарорлар қабул қилинди. ТошДДнинг собиқ кафедра мудири, ҳозирги профессор О. Азизовга қўйилган бир қанча айблар асоссизлигини, унинг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик, самарали ишларини, иш жойидан ижобий тавсифнома берилганини эътиборга олиб, Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати назорат гуруҳининг таклифини қўллаб-қувватлади ва Тошкент шаҳар Собир Раҳимов район партия комитети бюросининг О. Азизовга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан эълон қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиб, муҳокама билан чекланди.

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» фабрикасининг собиқ директори, ҳозирги Шаҳрисабз давлат кооператив деҳқончилик-саноат бирлашмасининг Г. Ф. Зайниддиновага нисбатан ҳам шундай қарор қабул қилинди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсати жумҳуриятдаги шаҳар ва район партия ташкилотлари назорат-тафтиш комиссияларининг жойлардаги назорат ишини уюштириш соҳасидаги фаолияти дастлабки натижаларини таҳлил этди. Мазкур масалага оид хат назорат-тафтиш комиссияларининг фаоллари танишуви учун юборилди ва у ташкилий давр ҳаддан ташқари чўзилиб кетган жойлардаги комиссияларга биринчи галда методик ёрдам бериш мақсадини кўзлайди.

Коммунистларнинг КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига йўллаган шикоят ва аризалари қандай кўриб чиқилаётганлиги тўғрисидаги хат муҳокама қилиниб, жойларга юборилди. Бу шикоят ва аризаларнинг анчагина қисми вилоят партия комитетларининг назорат-тафтиш комиссияларида дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Ўтган йилардан фарқли ўлароқ шахсий ишларни ва аризачиларнинг далил-исботларини Ўрганишда бошланғич партия ташкилотларининг ва меҳнат жамоаларининг фикрига алоҳида эътибор берилди. 20 октябрга қадар 199 та шикоят кўриб чиқилди, уларнинг 84 таси юзасидан партияда қайта тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилинди, 52 аризачининг илтимоси рад этилди, 38 киши ўз аризасини қайтариб олди. Партия съездларига йўлланган шикоятларда баён этилган айрим фактларни пухта ўрганиш зарурати билан боғлиқ бўлқан қийинчиликларга қарамай, бу ишни 1990 йилнинг 15 декабрига қадар тўлатўкис тугаллаш белгиланди.

Марказий назорат-тафтиш комиссиясининг раёсатида Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзосининг ма-

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИДА

Жумҳурият Вазирлар Кенгаши «Етим болалар ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларга мўлжалланган болалар уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун хайрия тадбири ўтказиш тўғрисида» фармойиш қабул қилди. Фармойишда ушбу муассасаларнинг ҳар бир тарбияланувчиси учун совғалар сотиб олишга маблағ ажратиш, шунингдек Совет идоралари, турли вазирликлар ҳамда маҳкамаларнинг Улуғ Октябрь социалистик инқилобининг 73 йиллиги арафасида болалар билан учрашувлар ўтказишда иштирок этиши кўзда тутилган.

ЖУМҲУРИЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ШАРҲИ

Етим болаларни ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни ҳимоя қилишдан кўра мўқаддасроқ вазифа бўлмаса керак. Бундай болаларга ёрдам бериш халқимизда ҳатто энг оғир йилларда ҳам муҳим, энг биринчи вазифа деб ҳисобланган. Ақл бовар қилмайдиган ҳақиқатни қарангки, турғунлик даври болаликка муносабат каби соҳага ҳам суқулиб кирди, ажиб сокинлик чўкиб, болалар уйини жамоатчилик эътиборидан четда қолдирди.

Қайта қуриш жамиятнинг етимлик, давлат муассасаларидаги болалар тўрмуши муаммоларига муносабатини ўзгартирди. Партия, совет, хўжалик, касаба уюшмаси ва комсомол органлари, жамоат ташкилотлари болалар уйлари ишига барчанинг эътибори вазиятини вужудга келтиришди, шу муассасалардаги болаларни тарбиялаш ва ўқитиш ишларини тубдан яхшилаш борасида таъсирчан чоралар кўрилди, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва оқилона дам олишини ташкил этиш учун керакли шароитлар яратилди.

Бу болалар учун бир қанча имтиёзлар белгиланди, чунончи, етимлар ва ота-она қаровисиз қолган болалар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинмоқда. Болалар уйининг ҳар бир тарбияланувчисига кино-театрларга, кўргазмаларга, музейларга, спорт иншоотларига бепул кириш ҳамда шаҳарда ва шаҳар атрофида қатновчи жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини берадиган умумий патта берилди.

Жумҳурият Президентининг ташаббуси билан Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши қабул қилган янги фармойиш ҳукуматнинг ижтимоий-маданий сиёсати изчиллик билан ўтказилаётганидан, ҳозирги кундаги етимлик муаммоларига ҳамда болалар уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий муҳофаза этишга эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ҳайрия тадбири Октябрь инқилобининг 73 йиллиги муносабати билан ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам байрамолди кунларида етим болаларга мўлжалланган барча болалар уйларида ва мактаб-интернатларда болаларнинг жамоатчилик вакиллари, ижодий зиёлилар, ишлаб чиқариш илғорлари, корхоналар ва муассасалар ёшлари, олий ўқув юртларининг талабалари билан учрашувлари бўлиб ўтади. Профессионал ижодий жамоалар концертлар беришади. Болалар уйларига ва етим болалар мактаб-интернатларига борадиган гуруҳлар таркибига турли вазирликлар ва муассасалар — ЎзССЖ Нефть маҳсулотлари таъминоти қўмитасининг, Енгил саноат вазирлигининг, Автомобиль транспорти вазирлигининг, «Ўзбекбирлашув»нинг, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг ва бошқа муассасаларнинг, шунингдек мазкур тадбирга мутасаддилик қилаётган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг, Қизил ярим ой жамиятининг, В. И. Ленин номли Болалар

ДАДИЛ ОДИМ

МУТАХАССИС МИНБАРИ

Мамлакатимиз иқтисодий, снёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар даврини бошдан кечирмоқда. Мана шу оғир ва муаммоларга тўла жараённинг иқтисодий негизини ташкил этадиган масала мулкчилик муносабатларини тартибга солишдир. Модомики, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қурашилаётган экан, тегишли қонунлар қабул қилиш асосий вазифа ҳисобланади. Мазкур масалаларни ижобий ҳал этишда парламентимиз аъзолари ўз тажрибаларини ошириб бормоқдалар. Тўғри, ҳозирги кунда қабул қилинаётган қонун ёки уларнинг лойиҳалари марказдаги низомларга ўхшаб қолаётгандек, лекин ҳар бир соҳанинг хусусиятларини инобатга олиш ва натижаларга асосланиб уларни қабул этиш мавриди етганини унутмаслигимиз керак. Шу ўринда «СССРда мулкчилик тўғрисида»ги СССР қонунининг 1 июлдан кучга киритилгани диққатга сазовордир.

Маълумки, Совет давлатининг ривожланиш тарихи давомида биринчи марта аниқ бир соҳа фаолиятига оид бир нечта қонун лойиҳалари халқ муҳокамасига қўйилди. Бу билан халқнинг ижтимоий фаоллиги, жамиятдаги шарт-шароит, моддий, маънавий талаб ва эҳтиёжларнинг қай даражадалигини тушуниб етишга имконият яратилди.

Мазкур қонунга асосланиб, Ўзбекистон ССЖ Олий Советининг II сессияси «Ўзбекистон ССЖда мулкчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйди.

Хўш, бу қонун қабул қилинса, жумҳуриятимиз фуқаролари учун қандай фойда ва имтиёзлар яратилади?

Биринчидан, Ўзбекистон жумҳурияти ўз ҳудудидаги мулкларнинг мутлоқ эгасига айланади. Демак, жумҳуриятимиз мулки иттифоқ мулкидан тўлиқ ажратилади, ундан Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи шахсларнинг эрки, иродаси, истаклари ва келажак истиқболини этаётиборга олиб фойдаланилади.

Иккинчидан, агар ССЖИ билан мулкчилик муносабатларимиз боғланса, унда иттифоқ билан тенг ҳуқуқлилик, эквивалентлик, ўзаро фойда, ҳатто жумҳуриятимиз эркини тўлиқ ифода этган ҳолда уни шартномалар ёки келишув асосида амалга оширамиз, мустақиллик доирасида ҳуқуқларимиздан фойдаланамиз.

Тўғри, «ССЖИда мулкчилик тўғрисида»ги қонун кучга кирди, Умуман ССЖИ аниқ соҳаларга тааллуқли бўлган асосларни қабул қилиши керак. Иттифоқчи ва автоном жумҳуриятлар эса ўзи хоҳлаган тақдирда қонун ёки ўз кодексларини қабул қилиши лозим. Лекин жумҳуриятлар сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришаётган эканлар, ҳаракатни мустаҳкамлаш учун бўлган асосларни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: «Ўзбекистон ССЖнинг Ер тўғрисида»ги қонуни. Мазкур ҳужжат жумҳуриятимиз иқтисодий мустақиллигини таъминлашнинг биринчи ва асосий омилидир.

«Ўзбекистон ССЖнинг мулкчилик тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси Ўзбекистоннинг ҳуқуқларидан тўла фойдаланиб, мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга ошириш ва фуқаролар фаровонлигини янада оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Унда жумҳуриятимиз ўзининг барча ер ресурслари бойликларига, фойдали қазилмаларига, сув, ҳаво, табиат ресурсларига, фан, маданият ва санъат билан боғлиқ объектларга, маданий ва тарихий бойликларига, молиявий маблағларнинг барчасига, ёқилғи-энергетика, конметаллургия, машинасозлик, нефть-газ, химия-ўрмон, транспорт комплекслари, шунингдек республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаб берувчи барча мол-мулклар, фақат жумҳуриятимиз мулки эканлиги эътироф этилади. Бу мулкларнинг эгалари — Ўзбекистон ССЖда истиқомат қилувчи халқ, яъни меҳнаткашлардир. Халқ номидан бу мулкка эгалик ҳуқуқини Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари амалга оширади. У «ССЖИда мулкчилик тўғрисида»ги қонундан анча ижобий фарқ қилади.

Қонун лойиҳасининг 9-моддасидаги «хусусий мулк» ҳуқуқи айримларни бироз иккилантириши мумкин. Маълумки, жумҳуриятда 3 та корхона хусусий эгалик ҳуқуқи асосида ишлаб яхши натижаларга эришмоқда. Ҳатто мактабларда ўқувчилар мусиқа санъати билан бепул шуғулланмоқдалар. Унутилаётган миллий-маданий бойликларимиз тиклانмоқда. Бу эса ўз-ўзидан моддий манфаатдорликни ҳам оширмоқда. Бундан даромад олинмоқда. Инсон келажакка интилади. Яхши яшашни, мол-мулкка эга бўлишни истайди. Шу боис кичкина дўконлар, маиший хизмат жойларини, сартарошхона, мусиқа мактабларини, миллий хусусият билан боғлиқ бўлган корхона ва муассасаларни инсонга тўлиқ асосда топшириб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Бундан иккиланмаслик керак. Инсон ўз меҳнати билан улуғ. Ҳурматли қарияларимиз, уй бекалари, ногирон кишилар хонадонда меҳнат қилсалар, бунинг нимаси ёмон.

Маълумки, Ўзбекистонга хос хусусиятлардан бири маҳалла мулкининг вужудга келишидир. Бу мулк илгаридан мавжуд. Лекин қонуний асосда мустаҳкамланса, айни муддао бўларди. Ҳар бир маҳалла (баъзи жойларда бутун бир қишлоқ) улуғ айём ва маъракаларни, кумуш ҳамда олтин тўйларни ўтказиш учун ўзини ўзи турли рўзғор буюмлари билан таъминласа, яхши-ку!

Лойиҳада «ижарага олинган корхона мулки» каби сатрлар бор Бу мулк шаклининг вужудга келишидан кўзланаётган мақсад бир неча шахслар ёки бир жамоа маълум корхонани тўлиқ асосда сотиб олиши мумкин бўлади.

Бу эса ишлаб чиқариш самарасини, маҳсулот сифатини оширади, сўнгги натижани яхшилаш баробарида аъзолар қўнимсизлигини камайтиради, ижтимоий-маданий объектларнинг ортишини таъминлайди.

Мулкнинг яна бир янги тури диний ташкилотлар мулкидир. Улар кўпроқ хайрия, меҳр-шафқат, эҳсонлик, эзгулик ва бошқа маросимларга ишлатилади. Қонун лойиҳасининг дастлабки нусхаларини муҳокама қилишда вақф мулки мавжуд эди. Биз бу мулк турини яна юзага келтириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимиз қандайдир сабаблар билан ўз она юртларига қайта олмасалар, ўз қавму қариндошларини ва авлодларини эслаш, улар руҳини шод этиш йўлида маълум бир масжид, мадраса ёки диний муносабат билан боғлиқ бирор масканни Ўзбекистонда қуриб беришни истасалар, буни қўлламоқ лозим.

Фикримизча, эълон қилинган қонун лойиҳаси мукаммал, лўнда ва жумҳуриятаҳолисининг хусусиятлари ҳамда манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг иккинчи сессияси шуни кўрсатдики, депутатларимиз тақдим этилаётган қонун лойиҳаларига ижодий ёндашдилар Бу эса жумҳуриятда амалга оширилаётган қайта қуришнинг яна бир маҳсулидир.

О. ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигининг қонунларни системалаштириш ва қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси.



Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхозида етиштирилган сабзавот шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда. Жамоа хўжалигининг консерва заводида йилига 150 минг шартли банка турли тузламалар, шарбатлар ва бошқа ноз-неъматлар ишлаб чиқарилаяпти. Корхона йилига 200 минг сўмдан знёд фойда кўраётир. Келгуси йили шу ерда шиша идишлар тайёрланадиган завод барпо этилгач, ишлар янада юришиб кетади.

СУРАТЛАРДА: 1. Консерва заводининг пешқадам ишчиларидан А. Қодирова, М. Менлибоева, Н. Машарипова. 2. Тайёр маҳсулотлар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

«Қишлоқ ҳақиқати»га обуна қандай бораяпти?

НОНДЕК АЗИЗ

Янги йил нашрларига обуна ҳал қилувчи паллага кирди. Алоқа ходимлари, жамоатчи фаолларнинг қўли-қўлига тегмайди. Муштарийлар ўртасида «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига қизиқиш катта. Нишон районидаги Беруний номли давлат хўжалигида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Ўзаро суҳбатда хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, оддий газетхонлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар, қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

Совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Амир ТЎРАЕВ:

— Жорий йил пахтакорларимиз учун омадли келди. Давлатга режадаги 4.400 тонна ўрнига 6 минг тоннадан ортиқ сифатли хом ашё етказиб берилди. Бу фидокорона меҳнат, тинимсиз кураш ва интилиш самарасидир. Н. Илёсов, Қ. Тоғаймуродов, Т. Элмуродов, З. Илёсов, Ш. Андоқов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик юқори бўлди. Келгуси йил учун тайёргарлик бошлаб юборилган. Далаларда ҳайдов тракторлари юксак унум билан ишлатилмоқда. Майдонлар ғўзапоядан тозаланиб, пешмапеш шудгор қилинаяпти.

Эришилаётган ютуқларда «Қишлоқ ҳақиқати»нинг ҳиссаси оз эмас. Биз, қишлоқ хўжалик ходимлари уни ўз рўзномамиз, деб биламиз, ҳар бир сонини орзиқиб кутамиз. Иқтисодий шароитни ҳисобга олиб, 50 кишини хўжалик ҳисобдан обуна қилишни лозим топдик. Улар орасида меҳнат илғорлари, кам даромадли ҳамда боқувчисини йўқотган оилалар бор.

1991 йилда ҳам рўзномадан умидимиз катта. Шубҳа йўққи, у ўзининг ҳақгўйлик ва халқчиллик мавқеини йўқотмайди, муштарийлар хизматига камарбаста бўлади.

Хўжалик меҳнат жамоаси кенгашининг раиси Бекмурод ЭЛМУРОДОВ:

— Матбуот — ҳаёт кўзгуси. У фикр ва тасаввуримизни бойитади, қалбимизни эзгулик, маънавият шуъласи ила нурафшон этади. Хусусан, «Қишлоқ ҳақиқати»да ёритилаётган ранг-баранг мақолалар бизга манзур. Ҳар бир сонини мунтазам ўқиб борамиз. Хўжалигимизда 876 киши меҳнат қилади. Уларнинг аксарияти пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик билан машғул. Рўзнома бу борадаги ютуқ ва тажрибаларни, илғор иш усулларини кенг ёритиб, эътибор қозонмоқда. Унда ҳаётий муаммолар дадиллик билан кўтарилиб чиқлаётганлигини чин дилдан қувватлайман. Истагим: мавзу доираси янада кенгайтирилса. Ўқимишли материаллар кўпроқ чоп этилса.

8-агроучастка бошқарувчиси Нурали ЖУМАНАЗАРОВ:

— Аввало жамоамиз амалга ошираётган ишларга тўхталай. 200 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 680 тонна пахта етиштирдик. Йиллик режа 200 фоизга уддаланди. Далаларда бўлғуси ҳосилга тайёргарлик бошлаб юборилган. Шудгорлаш суръати ва сифати оширилаяпти.

Бугунги деҳқон ўқимишли, оқ-қорани ажратадиган бўлиши керак. Ана шунда янги марраларни дадил забт этаверади. Кўпчилик матбуот нашрлари нархи ошганидан ташвишда. Менимча, гап бунда эмас. Маънавиятимизни пул билан ўлчаб бўлмайди. Матбуот ҳар биримиз учун нон ва сувдек азиз, қалбимизга яқин. Агроучасткамиз ҳудудида «Қишлоқ ҳақиқати»нинг ихлосмандлари кўп. Бу бежиз эмас, албатта. Рўзномада берилаётган мақолалар қизиқарли ва даврга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Уларни ўқиб бободеҳқоннинг юрак уриши, дарду ташвишларини англаб олиш қийин эмас. Шу боисдан пахтакорларимиз рўзномага ёппасига обуна бўлаяптилар. Таҳририятга, заҳматкаш қалам аҳлига ижодий муваффақиятлар ёр бўлсин.

Чўлқувар қишлоқ Шўроси раиси Бекмурод ЖЎРАЕВ:

— Ҳозирги кунда Советларнинг ижтимоий мавқеи мустаҳкамланмоқда. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Маҳаллий ҳокимият нуфузини оширишда матбуотнинг муҳим ўрни бор. Шу жиҳатдан «Қишлоқ ҳақиқати» амалга ошираётган хайрли ишларни таъкидлаб ўтиш жоиз. Рўзнома таҳририяти Советлар, халқ депутатлари фаолиятига катта аҳамият бераяпти.

Турмушга яқинроқ бўлиш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш қайта қуриш даврининг асосий талабларидан бири. Қишлоқ Советимиз ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Хўжалик ҳудудида яшовчи аҳоли эҳтиёжларини ўйлаб, муҳим тадбирлар белгиланмоқда. Уларни рўёбга чиқариш борасида «Қишлоқ ҳақиқати» яқин ёрдамчимиз бўлиб қолиши шубҳасиз. Унда чоп этилаётган мақолалар жўшқин ва ҳаётий, кишини бефарқ қолдирмайди. Тили пишиқ, халқона. Рўзноманинг ютуғи ҳам шунда бўлса керак.

* * *

Шунингдек, хўжалик бош агрономи Алишер Раҳмонов, тракторчи Алишер Маҳмараҳимов, агроучасткада бошқарувчиси Темур Элмуродов, хўжалик партия ташкилотининг котиби Шавкат Хидировлар ҳам ўз таклиф ва истаклари билан ўртоқлашдилар. Ҳозиргача хўжаликда 756 киши «Қишлоқ ҳақиқати»га ёзилишди. Обуна давом этмоқда. Демак, муштарийлар сони янада кўпаяди.

Ш. СУЛТОНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ҲАЁТ НАФАСИ

МАКТУБЛАРНИ ЎҚИБ

Мамлакатимизда давом этаётган қайта қуриш, янгиланиш жараёни жумҳурият қишлоқ меҳнаткашлари ғайратига ғайрат қўшиб, бунёдкорлик ишларига чорламоқда. Инсон омилига эътибор кучаймоқда. Турғунлик йилларида назардан четда қолган ижтимоий масалалар аста-секин ўз ечимини топмоқда. Редакцияларга келаётган маориф, тиббиёт, маиший ва маданий хизмат соҳаларига доир қатор хат-хабарлар бундан дарак бериб турибди.

Т. Сулаймонов Наманган шаҳрида маданий-маиший объектлар қуриш анъанага айланганлиги, аҳолини иссиқлик билан таъминлаш мақсадида қозонхона ишга тушганлигини ёзади.

Тўрақўрғонлик М. Эшимов «Шаҳанд» санаторийсида янги даволаш бўлими ишга тушганлигини хабар қилади. Пахтачилик Б. Шамсиевнинг ёзишича, «Коммунизм» колхозида икки қаватли замонавий мактаб 784 ўқувчини ўз бағрига олган.

Бухоролик Р. Ҳамроев, фарғоналик З. Султонов, андижонлик С. Ҳайдаров ҳам жойларда мактаб, боғча, чойхона, кинотеатр каби маданий-маиший муассасалар ишга тушганлигини таъкидлайдилар.

«Дарё сувини баҳор тоширар, инсон қадрини меҳнат оширар», дейди доно халқимиз. Бир туркум хатларимиз ана шу мавзуга — яратувчи инсонни улуғлашга бағишланган. «Самарқанд вилоят Хатирчи районидаги «Светлана» маиший хизмат уйи жамоасининг ҳар бир аъзоси ҳақида яхши фикрларни айтса арзийди, — деб ёзади Ҳ. Назаров. —Амина Тиллаева, Абдуаҳад Ҳамроев, Жамила Қиличева, Зулхумор Шерова, Мавжуда Абдуллаева каби ўз касбининг устаси бор». Марғилонлик А. Қутбиддинов тажрибали ҳайдовчи А. Мўминов, Т. Эшқелдиев Ленин йўли ранги алоқачилари ҳақида, амударёлик Х. Отамуродов тажрибали кино устаси Г. Ортиқов ҳақида илиқ фикр билдиради. Редакцияга келган хат-хабарлар орасида янги урф-одатлар, маросим ва анъаналар ҳақида ҳикоя қилувчи мактублар ҳам талайгина. Масалан, каттақўрғонлик А. Ҳошимов ёзишича, районда 283 Қаҳрамон она бор. Улар билан анъанавий учрашувлар ўтказиб турилади. Наабатдаги кечага Афғонистонда ҳалок бўлган жангчиларнинг ота-оналари таклиф этилди. Учрашувга Самарқанд вилоятининг Иштихон, Каттақўрғон, Советобод районларидан ҳам меҳмонлар келишди.

Наманганлик А. Холмирзаев, хўжаободлик Р. Жуманиёзова, ёзёвонлик А. Мадраҳимов, пайариқлик Б. Шомирзаев, каттақўрғонлик А. Исломов, қамашилик М. Тўхтаев йўллаган хат-хабарлар айни шу мавзуга бағишланган. Табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан тежаб-тергаб фойдаланиш шу кунинг муҳим вазифасидир. Редакцияга бу мавзуга бағишланган мақолалар мунтазам келиб турибди. Улар орасида атроф муҳитига етказилаётган маънавий-моддий зарар ҳақида фикр юритилган хат-хабарлар ҳам бор. Аммо уларнинг кўпчилигида умумий гаплар билан чекланиб қолинган. Гулистонлик А. Умрзоқов, бахмаллик С. Равшанов, пастдарғомлик А. Аҳмедов юборган мақолалар ана шундан холи эмас.

Қишлоқларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Редакцияга шу мавзудаги хатлар тез-тез келиб турибди. Д. Жабборов Урганчда полвонлар мусобақаси бўлиб ўтганлигини хабар қилади. А. Усмонов Термиз ёшларини тарбиялашда спортнинг ўрни, қаршилик Р. Ҳасанов совхоздаги полвонлар беллашуви ҳақида хатлар йўллашган. Андижонлик К. Йўлдошев, задарёлик Ж. Юнусалиев, андижонлик В. Полешук, зоминлик И. Юнусов ана шу мавзуни қаламга олганлар.

Шаҳрисабзлик Ж. Халилов, қизилтепалик Б. Мансуров, фарғоналик М. Мирзашарипов, ульяновлик В. Сатторов, пастдарғомлик А. Аҳмедов, оқдарёлик М. Акрамов, жиззахлик М. Аллаев, тошкентлик А. Мирзаев, чустлик Т. Дадамирзаев, сариосиёлик Р. Низомиддинов, Охунбобоев районидан Т. Тешабоев, булунғурлик П. Чўлибоев, ҳазорасплик Садаметова, ёзёвонлик А. Иброҳимов, избосканлик М. Тўхтаназаров, Москва районидан М. Алибоев редакцияга турли мавзудаги хатларни йўллаганлар.

Бу хатларнинг мазмуни саёз, далиллари етарли эмас, янги фикр йўқ. Шунинг учун улардан тўла фойдаланиш имконияти бўлмади. Жамоатчи мухбирларимиздан қишлоқ янгиликлари тўғрисида ранг-баранг, мазмунан бой хат-хабарларни кутамиз.

Муштарий мулоҳазаси

ИХЛОС

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўрилаётгани матбуотчиларни ҳам шошириб қўйди. Барча нашрларнинг нархи ошди. Шу боис баъзилар рўзномаю ойномаларга обуна кескин камаяди, деган фикрга боришди. Бизнингча, бу нотўғри. Қайта қуриш, ошкоралик матбуотнинг обрўсини осмон қадар кўтарди. Эндиликда уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш мумкин эмас. Обуна масаласида баъзи қийинчиликлар, муаммолар юзага келганлиги табиий ҳол. Бироқ улар муваффақиятли ҳал этилишига шубҳа йўқ.

Капиталистик мамлакатларда матбуот эркинлиги таъминланган. Ҳақиқатни ёзсалар ва у ўз исботини топса бўлгани. Рўзномалар аксари ҳолларда кўчаларда жар солиб юриб тарқатилади. Таҳририятлар, қаламкашлар моддий томондан тўла таъминланган. Афсуски, бизда зарарга ишловчи матбуот органлари оз эмас. Бозор иқтисодиётига ўтиш уларни ҳаёт билан қадамбақадам юришга ундайди. Биз турғунлик йиллари деб қоралаётган даврда оммавий ахборот воситаларининг оёқ-қўли кишанланган эди. Бир қолипдаги сийқа мақолалар, баландпарвоз иборалар муштарийларнинг меъдасига тегди. Йиллар мобайнида рўзномаларда ўзига хослик йўқолди. Уларнинг биринчи саҳифалари ҳам расмий хабарларга ажратилди. Шу боис газетхон асосан тўртинчи саҳифани кўздан кечирарди.

Ўтмишда қоғоз, китоблар ниҳоятда қадрланган. Ҳозирда ҳам шундай деб айтолмайман. Сабаби — арзон. Тасаввур қилинг: ўрмонлардаги дарахт кесилиб, майдаланиб қоғоз ҳолига келади. У минглаб чақирим йўл босиб, нашриётга узатилади. Машақатли меҳнат эвазига рўзнома ёки ойнома бўлади. Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларига тарқатилади. Алоқачилар уларни олишлари билан хонадонлар томон ошиқадилар. Шунча меҳнат, сарф ҳаракатнинг баҳоси— рўзнома 3—5 тийин, ойнома 20—30 тийин. Бир коса айрон ёки газ сув нархидан арзон.

Мен дарс жараёнида доимо матбуотда эзлон қилинган эзтиборли мақолаларни кимлар ўқиганини аниқлаб бораман. Бир синфдаги 30 ўқувчидан нари борса беш-олти ўқувчи қўл кўтаради. Афсуски, муаллимларнинг ўзларидан сўрасангиз, сиз эслатган матбуот чиқишини ўқиганлар уч-тўрт кишидан ошмайди. Шунинг учун биз — ўқитувчилар ижтимоий-сиёсий ҳаётдан орқада қолаётганлигимиз сезилмоқда.

Сўнгги йилларда кўпгина ота-оналар фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермай қўйишди. Улар асосан тиричилик ташвиши билан бўлиб, муҳим ишнинг асосий юкини мактабга ағдаришди. Ўғил ёки қизини ёнига чақириб, мана бу ойномадаги мақолани ўқи, бирга фикрлашамиз, дейдиганлар камдан-кам.

Савол туғилади: обуна нархи ошди, энди матбуотчилар оғир аҳволда қоладилар, шундай эмасми? Кўпгина ҳамқишлоқлар билан ҳудди шу масалада фикрлашдим. Кўнглим жойига тушди, саволга ижобий баҳо олдим. Матбуотни ҳаётий зарурат деб билган ҳар бир киши у билан бир умрга ошно бўлади. Жамоа бўлиб обуна бўлишни таклиф қилдим. Ҳозирча мени тушунганлар кам. Муддао шундай: эшиги бир-бирига қараган қўшниларнинг уйига бир вақтда дейлик иккита «Саодат» ойномаси тушади. 1991 йил обунаси қимматлашгани учун ҳар икки хонадон ҳам ёзилмай қолди. Хўш, икки қўшни бир бўлиб, ойномага ёзилишса бўлмасмиди? Севимли журналдан галма-гал фойдаланилса қандай яхши.

Мактабларга яна обуна масаласида режа тавсия этилди. Буни тушунса бўлади. Лекин муҳим ишда ихтиёрийликка амал қилиниши керак. Йўқ, ўқитувчининг айтгани бўлиши керак, ҳозирда шунга амал қилиняпти. Синф раҳбарининг нияти битта: барча ўқувчи обуна бўлса бас. Қанча ва қайси нашрга—бу уни қизиқтирмайди. Қарабсизки, бутун синфнинг аксарият ўқувчилари «Ленин учқуни»га ёзилиб турибди. Нега энди бизнинг пионерларимиз «Фан ва турмуш»га, «Муштум» ва бошқа жаридаларга ёзилишмайди. Демоқчиманки, бир хилликдан мумкин қадар қочишимиз керак. Мен «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига ихлос қўйганман. Уни мунбазам ўқиб бораман Газета саҳифаларида ахлоқ-одоб, мактаб ҳаёти муаммолари, ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар хусусида кўпроқ мақолалар бериб борилса, айни муддао бўларди.

О. ЮНУСОВ,
Уйчи районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчиси.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

Жумҳурият районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 29 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Районлар	Жами тайёрланган пахта	Шу жумладан машинада терилгани
БУХОРО ВИЛОЯТИ		
Свердлов	113,46	79,64
Шофирқон	113,42	19,46
Бухоро	110,88	66,00
Вобкент	108,89	60,74
Ромитан	108,70	87,57
Олот	108,63	68,29
Ғиждувон	107,61	29,69
Когон	107,60	86,67
Пешку	106,28	64,52
Қоракўл	104,36	43,11
Навоий	102,55	103,62
Қизилтепа	102,27	26,54
Навбаҳор	100,73	93,51
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Ангор	114,69	118,64
Шўрчи	112,61	120,86
Жарқўрғон	110,10	132,28
Термиз	109,36	124,22
Олтинсой	109,30	129,68
Шеробод	108,30	114,09
Қумқўрғон	105,63	114,08
Сариосиё	105,48	97,45
Бойсун	104,81	141,59
Гагарин	104,27	116,52
Ленин йўли	103,97	116,78
Денов	103,02	69,75
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ		
Ўзбекистон	113,83	130,35
Ёзёвон	111,91	92,57
Фрунзе	111,13	134,03
Ленинград	110,96	26,26
Тошлоқ	109,20	60,51
Фарғона	107,64	43,64
Қува	107,02	50,76
Риштон	106,78	95,18
Бувайда	106,42	18,03
Боғдод	104,23	41,65
Охунбобоев	103,59	73,65
Олтиариқ	101,76	55,58
Киров	100,01	69,43
ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ		
Гурлан	112,32	65,52
Урганч	110,77	85,13
Шовот	110,61	49,13
Янгибозор	109,34	108,69
Янгиариқ	109,18	76,68
Ҳазорасп	107,48	27,02
Хонқа	107,20	93,90
Хива	102,78	26,27
Боғот	100,55	48,74
Қўшкўпир	98,20	57,12
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Ульянов	111,28	123,77
Косон	110,61	144,00
Қарши	109,88	128,45
Қамаши	108,21	128,48
Чироқчи	107,58	69,57
Нишон	106,32	138,30
Муборак	105,71	131,99
Усмон Юсупов	105,66	113,43
Ғузор	104,72	52,29
Шаҳрисабз	101,89	78,32
Яккабоғ	101,88	61,01
Китоб	94,89	76,31
Баҳористон	90,31	94,79
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ		
Комсомолобод	114,70	118,87
Бўз	108,63	109,99
Балиқчи	108,44	91,93
Андижон	106,53	69,81
Олтинкўл	105,56	46,77
Жалолқудуқ	105,34	128,61
Қўрғонтепа	105,27	96,44
Марҳамат	105,18	100,89
Избоскан	104,95	81,43
Ленин	104,18	63,77
Хўжаобод	104,16	54,90
Пахтаобод	101,58	76,94
Москва	101,14	53,89
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ		
Наманган	110,98	45,68
Чортоқ	110,28	43,03
Янгиқўрғон	110,20	—
Тўрақўрғон	108,31	43,11
Норин	108,29	118,37
Задарё	107,56	120,80
Учқўрғон	106,65	109,84
Косонсой	105,70	130,00
Поп	105,04	102,27
Уйчи	102,62	35,88
Чуст	89,14	69,29
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ		
Ўрта Чирчиқ	114,98	140,63
Коммунистик	110,61	128,75
Бўка	106,15	120,94
Чиноз	105,87	108,51
Ғалаба	103,53	118,50
Пискент	103,28	105,06
Оққўрғон	100,36	110,20
Бекобод	100,35	99,12
Янгийўл	92,43	93,38
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ		
Меҳнатобод	119,19	138,25
Комсомол	105,76	121,17
Ворошилов	105,51	129,23
Ховос	105,09	122,85
Сирдарё	104,68	117,02
Оқолтин	103,24	107,06
Боёвут	102,49	118,83
Ильич	100,49	106,95
Гулистон	99,21	114,05
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ		
Фориш	136,55	181,73
Зарбдор	108,02	129,70
Зомин	107,11	117,26
Пахтакор	106,93	130,97
Дўстлик	106,54	125,64
Мирзачўл	102,61	122,10
Жиззах	101,29	109,98
Октябрь	100,13	112,07
Арнасой	94,84	113,97
ҚҚАССР		
Хўжайли	106,20	131,39
Амударё	105,30	95,80
Элликқалъа	103,75	97,84
Тахтакўпир	102,26	101,00
Қўнғирот	100,71	103,93
Шуманай	100,5	110,38
Тўрткўл	99,02	104,92
Беруний	97,80	97,71
Қораўзак	97,12	121,62
Кегайли	95,87	100,82
Ленинобод	91,85	85,41
Чимбой	88,90	84,09
Бўзатов	57,44	39,68
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ		
Иштихон	112,13	98,70
Каттақўрғон	106,20	92,08
Большевик	105,06	135,38
Пайариқ	103,28	114,40
Пахтачи	101,43	82,48
Хатирчи	100,04	100,00
Жомбой	97,23	135,88
Паст Дарғом	95,01	113,02
Нарпай	92,61	86,93
Оқдарё	79,87	77,96

ХОТИРА

БЕВАҚТ УЗИЛГАН ТОР

Ардоқли дўстим Сирожий тез-тез эсимга келиб туради. Шундай пайтларда кўнглим бузилиб кетиб, умр ҳақида ўйлаб, қалбимдан қоғозга мисралар қуйилади.

У, умр ўтасан суздан ҳам тезоб,
Яшаш тарозимда қолибсан
бир кафт.
Кун-бакун кетмоқда соч бошин
ташлаб,
Йилма-йил камайди дўстлар,
бизнинг саф...

Ҳаёт ва табиат қонуни... Биров туғилади, биров оламдан ўтади. Мен ўзимга яқин олган, мени ҳам ўзига яқин тутган, қадрдон деб саналган устозлар ва дўстлар сафи тобора камайиб бормоқда. Устод ва аллома шоир Мамарасул Бобоев, мен билан бир институтда ўқиган, бирга дорилфунуннинг адабиёт тўгарагига қатнашган шоир дўстларим, укаларим Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур абадиятга йўл олдилар. Мана, энди болалик, йигитлик йилларимиз бирга кечган ижодкор қадрдонларим Самариддин Сирожиддинов, Аҳаджон Пўлатов ҳам орамизда йўқ. Худди қуйлаб турганда бевақт узилиб кетган соснинг олтин торига ўхшайди, бу ҳолат.

Каттақўрғонда ишлаган кезларим С. Сирожиддинов билан кўп мулоқотда бўлганман. Унга Сирожий тахаллусини ўша йиллар ўзаро суҳбатда қўйганмиз. У ҳам мени Шамс Одилий Каттақўрғоний дерди. Кейинчалик у Самарқандга ишга боргач, ўзига шу тахаллусни қўйиб олди:

Яшарман шунда, ўзга бахт
керакмас,
Мутаъриф жаннатнигдур менга
бир хас.
Сирожийни самарқандлик
десанг бас,
Нурафшон гулшаним, юртим
муқаддас.
Жаҳонга тенгсизим, танҳом
Самарқанд,
Алишмас дунёга дунём
Самарқанд.

Мана бугун ҳам марҳум дўстимни ўйлаб, узоқ хаёлга чўмдим... Сўнг унинг Самарқанд вилояти «Ленин йўли» газетасининг 1981 йил 26 декабрь сонида менинг ҳақимда ёзган «Хаёл ҳақиқати» номли мақоласини яна қайта-қайта ўқиб чиқдим. Шунда «дунёнинг баъзи ноўрин ишларига ҳайратландим», У шундай ёзганди: «Дунёнинг баъзи ишларига ҳайратланасан. Айниқса вақтнинг билдирмай, сездирмай ўтиб кетишига. Шамси Одил билан шеър ҳақида баҳслашиб юрганимиз худди кечагина эди. Суҳбатларимиз кўпроқ унинг Каттақўрғон шаҳридаги одмигина ҳовлисида бўларди. Ёз кунлари ҳовлининг ўртасидаги, қари бўлса ҳам биноийдек соядор тут остида ўтарди. Ҳатто Шамси «Бобомнинг тути—ҳовлимнинг кути» деб шеър ҳам битган эди».

Ҳа, 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида биз Самариддин билан Каттақўрғон адабиёт муҳитини жонлантиришда, ҳамшаҳарларимиз— классик шоирлар Шавқий, Мирий, Нақис, Маҳдий кабилар ижодларини ўрганишда, ўзбек совет шоирлари Абдулҳамид Мажидий (Абутанбал), Тошпўлат Саъдий, Мамарасул Бобоев, Бурҳон Турсунов, Караматилло Убайдуллаев ишларини давом эттиришда ҳамфикр бўлганмиз. Ўшанда Самариддин классик адабиёт, мен эса ўзбек совет шоирлари ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш билан машғул эдик. Анчагина ҳаваскор шоир ва ёзувчининг бошини қовуштирган тўғарагимиз бўларди. У райжроқўм биносида жойлашганди. Мен раҳбар эдим.

Сирожий форс ва араб тилида, эски араб алифбосида ёзилган асарларни биноийдек ўқир ва ёза оларди. Шу сабабли Каттақўрғон адабий муҳити яъни ана шу ерда ўтган шоирлар асарларини мендан кўпроқ ўқиган, аксарият, масалаларда устун келар, ўша асарни ёддан ўқиб бериб, ўз фикрини тасдиқлатарди. У ўз устида бениҳоя кўп ва хўп ишларди. Кўпинча уйида ҳам эски китоблар мутолааси билан машғул эди. Мен эса кўрган-кечирганларимни шеърга солар, Самариддин келиши билан ўқиб берардим. У таҳлил қилишга тушарди. Тошкентда ўқиб юрганимда ва умуман ўн тўрт йил мобайнида устод Мамарасул Бобоевдан шеър ёзиш, ижодий иш ҳақида қимматли маслаҳатлар олганман. Ҳозиргача озмикўпми ижод қилишимга, ғазал битиш қонда-қонунларини сал бўлса-да, эгаллашимга Самариддин ҳам хисса қўшган, дея ундан миннатдор бўламан. Уни биринчи тақризчим десам, янглишмайман.

«Биз гоҳо хаёл билан фазоларга учардик, —деб ёзганди Самариддин, — оёғимиз ерга тегмасди. Шамси шоирликка интиларди. Ҳазиллашиб: «Мен шоир, сиз менинг танқидчим бўласиз», — деб ҳам қўярди. «Орзуга айб йўқ», — дея бизни илҳомлантиришарди кекса суҳбатдошларимиз Маслаҳиддин Салоҳиддинов, Раҳмат Иззатий, Бобоёр Ҳамдам, Салоҳ Маҳмудий. Мана, устозлар орзуси ушалди. Шамси Одил шоир бўлиб улғайди». Ҳа, Самариддиннинг ўзи ҳам устозлар ва биз орзу қилгандек олим, яхши шоир бўлиб етишганди...

Самариддин тилга олган устозлардан С. Маҳмудов тўқсонни қоралаб қолди. Узбекистон ССЖда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Ленин ордени соҳиби, моҳир педагог 30-йилларда ўзининг

қиқоялари билан машҳур бўлган, кейинчалик шахсга сиғиниш йиллари қувғинига учраб, ёзмай қўйган.

Қолган учовлари ҳам ажойиб шоир эдилар. Биз иккимиз мактаб ва техникумда улардан таҳсил олганмиз. Улар ижоди алоҳида қунт билан ўрганишга арзийди. Мен бир шеъримда: «Қўқонга беллашув шеърда ғазалхон Каттақўрғонким», дегандим. Ҳа, у ўзига хос ижод маскани, шоирлар ватани.

Самариддиннинг биринчи устози отаси—марҳум Сирожиддин маҳсумдир. Маҳсум мадрасада таҳсил кўрган, ўзбек, форс ва араб классик адабиётини яхши билган, сермутолаа қария эди. Бобо суҳбатидан мен ҳам бахраманд бўлганман. Саъдий, Ҳофиздан байтлар ўқир, ҳамшахри, ўзбек классик шоири Сўфи Оллоёр ижодидан намуналар келтирарди. Сирожиддин маҳсум ажойиб боғбон, меҳнаткаш инсон сифатида ҳам қадр топганди.

Самариддин Сирожиддинов қисқа умр кўрди. Лекин шоирнинг ўзи:

«Куйламоқ бўлдим жаҳонни,
куйга тўлсин бу жаҳон,
Неки қалбим зоҳир этмиш
сўзга қўш, маънога қўш»,

деганидек, маъноли умр кўрди.

1953 йили Шота Руставели номли Каттақўрғон педагогика билим юртини аъло баҳолар билан битирган Самариддин ўзи туғилиб ўсган Кичикқўрпа қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабда ёшларга тил ва адабиётдан дарс бера бошлади. Кейин илмий бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатди. Ташкилотчи, жонкуяр педагог бўлгани учун районда ҳам кенг танилди, ҳурмат-эътибор қозонди. Катта-кичик йиғинларидаги чиқишларини, ўзининг педагогик қарашларини тўплаб, китоб ҳолида «Ўқитувчи» нашриётида чоп эттирди. Самариддин айни бир пайтда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунунининг филология факультетида сиртдан таҳсил олди.

Қайноқ қалбли, изланувчан ёш мутахассисни моҳир мухбир, марҳум Файзулло Нуруллаев (Каттақўрғон райони) газетасига саркотибликка таклиф этди. Шу-шу, ижод билан бир умр боғланиб қолди. Мухбирлик фаолияти уни ҳар томонлама тоблади, чиниқтирди, ҳаётнинг паст-баландини англади. Она юртининг қишлоқ ва шаҳарларини, киру адирларини кезди. Чўпонлар, пахтакорлар даврасида бўлди, боғбонлар меҳнатини мадх этди. Очерк ва лавҳаларда бунёдкор, меҳнаткаш инсонни улуғлади. Самарқанд вилояти «Ленин йўли» газетаси таҳририятига ишга келганидан кейин ҳам ана шу ижодий изланишни, илмий тадқиқотни сабот билан давом эттирди. Кўплаб истеъдодли ижодкорлар билан дўстлашди, улар тажрибасини дилига жо қилди. Бугун кўплаб ўқувчилар унинг номини ажойиб журналист, шоир ва олим сифатида ҳурмат билан тилга олишади. 1975 йили Самариддин Сирожиддинов Узбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд вилояти бўлими масъул котиблигига таклиф этилди.

Бу воқеа, унутилмас учрашув хотирамдан бир умр кўтарилмаса керак. Шоир вафотидан чамаси 20 кунлар олдин жумҳурият телевиденисидаги кўрсатувда қатнашиб, устоз Абдулҳамид Мажидий ижодий фаолияти ҳақида гапирганди. Эртаси куни у «Юлдузча» нашриётига мени йўқлаб келди. Кечқурун бизникида гурунгни давом эттирдик. Ўқиш-изланиш, ижодий камолот йилларини эҳтирос ва соғинч билан ёдга олдик.

Дўстимнинг қизиқ одати бор эди: мавзу ҳақида қуйиб-ёниб гапирарди, суҳбатдошининг сўзлари маъқул тушса, «Ҳа, балли» — деб қўярди. Самариддин ўша кеча жуда яйраб ўтирди, юрагини бекад очиб ташлади. Эҳтимолки, қадрдоним охирги учрашув эканлигини ҳис этгандир... Унинг ўша кунги сўзлари ҳамон қулоғим тагида жаранглаб турибди. «Телевидение Абдулҳамид Мажидий ҳақида кўрсатув тайёрлаб яхши иш қилди, — деди у. — Аммо қисқа вақт берилди, яна чақиришмоқчи. Мен Абдулҳамид Мажидийнинг оқланиб, олам юзини кўришида сизнинг катта хизматингиз борлигини айтмоқчи эдим... Ўша ҳужжатларни сақлаб қўйибсизми? Мажидийга яна ҳужум қилувчилар чиқиб қолса, не ажаб?! Ўшанда, албатта бу ҳужжатлар керак бўлади».

Дарвоқе, мен бу ишга 1959 йилда киришгандим. Мажидийнинг Каттақўрғонда яшаётган рафиқаси Мастон опа ва қизи Холидаой, шаҳардаги адабиёт муҳлислари ва ўз номимдан Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият прокурори, Узбекистон Ёзувчилар уюшмасига хатлар ёзгандим. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топди. 1960 йилда Мажидий домла оқланди. Ўша ҳужжатлар ҳали ҳам менинг архивимда сақланаяпти. Шуни айтиш керакки, Абдулҳамид Мажидий ҳақида ёзилган биринчи мақолам 1967 йил 16 май сонида «Ленин йўли» газетасида, 19 июлда «Узбекистон маданияти»да чоп этилди.

Самариддин сўнгги суҳбатида айтганидай, у номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида Абдулҳамид Мажидийга қарши чиқувчилар топилиб қолди. Ўшанда ҳақиқатан ҳам мендаги ҳужжатлар асқотди. С. Сирожиддиновнинг домла ижоди ҳақидаги илмий тадқиқоти юксак баҳоланди, у филология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Баъзида ҳайрон қоласан киши. Айримлар кўрабила туриб оқни қора дейишади, бировнинг изланишига тўсқинлик қилишади. Юқоридаги сингари қурашлар раҳматлик Самариддинни ҳам анча толиқтирганди. Унинг диссертация ҳимояси қарийб ўн йилга чўзилганди, дўстим қаттиқ изтиробларни бошдан кечиришга мажбур бўлганди. Бундай ноҳақликлар юракка оғир тушмайди, дейсизми? Ўша хасталик кейинги пайтларда бир неча бор такрорланди. У ижод ва илм фидойиси эди.

Унинг режалари, мақсадлари кўп эди, Ўша оқшомги суҳбатда ҳам тўлқинланиб гапирганди: «Э, Шамсиддин, биласиз. Абдулҳамид Мажидий улкан ҳажвчи шоир. Унинг шеърда кишилар номини очиқ айтиб, танқид қилишини Муқимий ва Завқий домлаларга менгзаш мумкин. Омонлик бўлса, у киши ҳақида роман ёзмоқчиман. Анча материаллар тўпладим. Ҳозирча «Абутанбал» номли саҳна асари юзага келди. Каттақўрғон драма театридагилар уни ўқишаяпти. Самарқанд театри ҳам қўймоқчи. Кейинги мақсадим каттақўрғонлик классик шоирлар Муҳаммад Шариф Шавқий, Мансур Саъдулло ўғли Дилафкор, Очилмурод Неъматилла ўғли Мирий, Аваэмурод Видоий, Остонақул Добирий, Қори Ўроқ Фақирий меросларини жонлантириш, уларни ҳалққа етказишдир. Видоий меросини тўплаб, танланган асарларини Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига топширдим...».

Яқинда нашриётда бўлдим. 1986 йилда топширилган қўлёзма ҳаракатда экан. Қадрдонимизнинг иши давом этиши керак.

Самариддин Сирожиддиновнинг ижоди билан ўқувчилар яхши таниш. Унинг «Кўнгил оҳанглари», «Ҳамон йўлдаман», «Яшил яproқлар» шеърий ва ғазаллар тўпламлари, «Намоз Пиримқул ўғли — халқ паҳлавони», «Аму мавжлари» очерклар китоблари, «Ёркин уфқлар», «Абадийлик» ҳужжатли қиссалари, «Абдулҳамид Мажидий» рисоласи кўпчиликнинг маънавий мулкига айланиб қолди. Аммо чоп этилмаган ижод намуналари ҳам талайгина.

От ўрнини той босади, деганларидек, унинг беш ўғли турли соҳаларда меҳнат қилиб, ўқибизланиб ота номини улуғламоқда, падарининг эзгу ишларини давом эттирмоқда. Самариддиннинг вафодор рафиқаси Муҳаррамой фарзандлари камолидан мамнун. У бугун неваралари парвариши билан банд.

Менинг яна бир фикрим шуки, Самариддин Сирожиддинов хотирасини абадийлаштириш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш вақти етди. Шоир, олим, журналист халқ маорифини, маданиятни ривожлантириш йўлида чинакам меҳнат қилди. Каттақўрғон шаҳрида ва районида ҳам, вилоятда ҳам бунёд қилинган мавзолар, мактаб ёки кўчалар, маданият кошоналари унинг номи билан аталса, бағоят хайрли иш бўларди.

Ҳа, Самариддин Сирожиддиновнинг ёркин хотираси дўстлари, фарзандлари, қариндошлари қалбида абадий яшаб қолади. Дарвоқе, дўстим кўп ҳуш кўрадиган бир рубойим ёдимга тушди:

Ҳаётга киргандик: «Қани, пўшт-пўшт»лаб,
Ҳадемай, қайтамиз: «Хайр, хўш-хўш»лаб...
Ортда-чи! Ном қолур, яхши ё ёмон,
Одил халқ турибди тарози ушлаб.

Ана шу яхши деган ном ҳар бир инсонга насиб этсин!

Шамси ОДИЛ,
Узбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими.

МЎЪТАБАР ЗОТЛАР

Ота — оила таянчи, фарзандларнинг суянган тоғи. Зеро, ўғил-қизларни эл-юртга муносиб қилиб тарбиялашда унинг хизмати беқиёс. Шунинг учун ҳам Жорж Герберт «Битта ота юзта ўқитувчидан устун туради», — деганида ғоят ҳақ эди.

Поп районининг Кенагаз қишлоғида икки отахон яшайди. Улар ака-ука. Каттаси Хушназар бобо Йўлдошев — 92 ёшда. Умр бўйи «Найман» жамоа хўжалигида пахтакор бўлиб ишлаган. Ҳозир мўйсафидлик гаштини сураяпти.

Кичиги Қўшназар бобо Йўлдошев ҳам етмишни қоралаб қолди. Улуғ Ватан урушининг I гуруҳ ногиронн. Фарзандлари, набиралари даврасида кўпинча унинг жанговар йиллари ҳақида қизғин суҳбатлар бўлади. Падари бурзукворлари Орёл, Пенза, Харьков шаҳарларини немис-фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашиб, икки қўлидан ажраб қайтаганини афсус билан тилга олишади. Қўшназар отанинг ўзи эса бунга кўникиб кетган.

Қишлоқ аҳлининг тўйларн, маъракалари ака-ука отахонларсиз ўтмайди. Улар доно маслаҳатлари ва оқил насиҳатлари билан ёшларни ақлу одоб, имону виждон йўлига бошламоқдалар.

СУРАТДА: Хушназар ва Қўшназар Йўлдошевлар.

М. ХУДОЙҚУЛОВ
олган сурат.

СПОРТ ахбороти

ШАХМАТ

Таниқли совет гроссмейстерлари Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов ўртасида Нью-Йорк шаҳрида ўтаётган жаҳон биринчилиги матчи кундан-кунга қизғин тус олмоқда. Ўтган куни улар саккизинчи партияни ниҳоясига етказдилар. Аввало шуни таъкидлаш зарурки, томонлар вақт танглигига тушиб қолдилар. Ўтган йилларда ва бу сафар ҳозиргача ўтказилган партияларнинг бирортасида бундай ҳодиса рўй бермаган эди. Шу боис жаҳон чемпиони учрашув ниҳоясида шошма-шошарликка йўл қўйиб, ўйин ўрталарида қўлга киритган устунлигини узил-кесил бой берди ва ўзини оғир аҳволга солиб қўйди.

Тож даъвогари эса совуққонлик билан ўйнаб, ҳимояда аниқ ва пухта дона сурди. Натижада вазиятни тенглаштиришга қолмасдан бироз устунликка эришди.

Берилган вақт тугаганидан кейин саккизинчи партияни қораларнинг 40-юришидан сўнг кечиктиришга тўғри келган. Анатолий Карповда бир пиёда ортиқ эди.

Эртаси куни қурранинг энг кучли шахматчилари кечиктирилган партияни давом эттирдилар. Шуниси ажабланарлики, улар яна вақти танглигига тушиб қолишди. Ниҳоят, вазият тенглашиб, 84-юришдан сўнг ҳарифлар дурангга рози бўлдилар.

Шундай қилиб, жаҳон биринчилиги учун матчнинг роппа-роса учдан бир қисми орқада қолди. Каспаров ҳам, Карпов ҳам бир мартадан ғалаба қилдилар. Олти партияда эса кучлар тенг келиб, очколар ўзаро баҳам кўрилди.

Шу тариққа саккиз учрашувдан кейин ҳисоб 4:4 бўлиб, кучлар нисбати сақланиб турибди.

ФУТБОЛ

Спортнинг бу тури бўйича мамлакат биринчилиги бирин-кетин ниҳояланмоқда. Кучли командалар марра чизиғига етганларига анча бўлиб қолди. Тўрт кундан сўнг биринчи погона коллективлари ҳам мавсумни ниҳоялайдилар. Бундан кейин навбат — иккинчи погона командаларига.

Ҳозирча биринчи погонадан олий погонага чиқадиган уч команда маълум бўлди. Ўтиш турнирида қатнашадиган команда якшанба куни бўладиган сўнгги учрашувларда аниқланиши турган гап. Бу ҳуқуқни берадиган тўртинчи ўрин учун кураш асосан икки команда — Ярославлнинг «Шинник» ва Москванинг «Локомотив» клублари ўртасида бормоқда. Биринчи команда ҳисобида 46, кейингисида 45 очко бор.

Пахтакорчилар мавсумнинг сўнгги учрашувини Олмаотанинг «Қайрат» командаси билан ўтказадилар. Улар ўртасида учрашув 4 ноябрда «Пахтакор» марказий томошагоҳида бўлади.

Иккинчи погонанинг шарқий минтақасида Фарғонанинг «Нефтяник» командаси ғолиб чиқди. Ҳамюртларимиз қолган икки тур ўйинлари натижасидан қатъий назар келгуси йили биринчи погона мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Шарқий минтақада ҳам иккинчи ўрин учун қизғин кураш бормоқда. Унга Находканинг «Океан» ва Наманганнинг «Навбаҳор» командалари даъвогарлик қилаяптилар. Уларнинг қайси бирига омад кулиб боқаркин? Бу саволга сўнгги тур учрашувлари жавоб беради.

БОКС

Қўқонда ёш боксчилар ўртасида Бутуниттифоқ мусобақаси бўлиб ўтди. У ёшлар учун ўзига хос кўрик вазифасини ўтади. Грузия, Тожикистон ва Ўзбекистон шаҳарларидан келган 300 спортчи ғолиблик учун курашди.

Команда ҳисобида қўқонликлар ғалаба қилдилар. Ўз вазн тоифасида ғолиб бўлган ёш боксчилар турли совринлар билан тақдирландилар.

АЛИФБО САБОҒИ

Ўтмишдаги маданиятимиздан, адабий меросимиздан теран хабардор бўлиш учун эски ўзбек алифбосини чуқур ўрганиш кераклиги сир эмас. Ҳозирги даврда ана шу маънавий эҳтиёж тўғри англанган ҳолда эски имломизни тўла ўзлаштириш билан боғлиқ тадбирларга эътибор кучайганлиги диққатга сазовордир. ЎзССЖнинг давлат тили ҳақидаги қонунида махсус модда эски ўзбек алифбосини ўрганишга бағишланганлиги, шу моддданинг ижроси борасида қатор тадбирлар амалга оширилгани ва оширалаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жумҳуриятимизнинг турли жойларида — вилоят, район «Билим» жамиятлари қошида жорий этилган «Эски ўзбек ёзувини ўрганиш» курслари, ҳар хил қўлланма ва дарсликларнинг чоп этилганлиги фикримизнинг далили. Эски ўзбек алифбосини ўрганишга оид қўлланмалар орасида, айниқса Узбекистон ССЖ Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими, ёш жонкуяр олим Раҳимбой Жуманиёзов қаламига мансуб «Эски ўзбек ёзуви» ва «Алифбо сабоқлари» номли китоблар алоҳида ўрин тутади. Муаллифнинг «Ўқитувчи» нашриётида кўп минг нусхада чоп этилган илк китоби тўла ва мукаммаллиги, эски ёзувимизга дахлдор қатор масалаларни қамраб олганлиги билан бу соҳа мутахассисларининг ҳам, эски ёзувимизни ўрганаётган толиби илмларнинг ҳам таҳсинига сазовор бўлган эди.

Яқинда Р. Жуманиёзовнинг «Алифбо сабоқлари» деб номланган иккинчи китоби ҳам нашрдан чиқди. Мазкур рисола ўзига хос жиҳатлари билан шу номдаги дасталабки китобдан фарқ қиладди. Маълумки, Раҳимбой Жуманиёзов Узбекистон телевиденеиси орқали «Алифбо сабоқлари» кўрсатувини олиб бораяпти. У иккинчи китобида ана шу кўрсатув мобайнида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни эътиборга олиб, уни содда, тушунарли тарзда, тўлдирилган ҳолда нашр эттирган. Бу китобнинг «Эски ўзбек ёзуви» деб номланган илк қўлланмасидан фарқли жиҳати шундаки, унда ҳарфларга тўлароқ тавсиф берилган. Китоб аввалида эски ёзувимизни тўғри ўқиш учун ва ёзиш учун қимматли методик маслаҳатлар бор.

Ўттиз бешта сабоқни ўз ичига олган мазкур китобда ҳар битта ҳарф хусусида алоҳида тўхталиб, унинг вазифаси ва имлоси таърифи тўла келтирилади. Ҳарфларга таърифу тавсиф беришда муайян андоза ва изчилликка амал қилингани эътиборлидир.

Муаллиф, даставвал, ҳар бир ҳарфнинг она тилимиздаги қайси товушни ифодалашини, ўзидан олдин ва кейин келган ҳарфларга боғланиш - боғланмаслигини, ёзувда неча хил кўринишга эга эканлигини, сўзнинг турли ўринларидаги шаклларини, қўлёзма ва босма хат туридаги фарқли томонларини, уларнинг ўзаро боғланишини, сатр чизиғига нисбатан тутган ўрнини яққо., кўрсатади.

Шунингдек, ҳарфни ёзишда қаламнинг йўналиши қай тарзда бўлиши кўрсатиш чизиғи билан ифодаланган. Ҳар бир ҳарфга тўхталганда у иштирок этган сўзлардан бири изоҳ билан тушунтирилади. Сўзни ташкил этган ҳарфлар айрим ҳолда ёзиб чиқилади. Кейин уларни сўзда келиш ўрнига, ёзилиш-ёзилмаслигига, боғланиш-боғланмаслигига қараб изчил жойлаштирилади. Сўнг бириктириб берилади. Ана шу назарий қисмдан сўнг ўтилган мавзуни мустаҳкамлашга қаратилган машқ ва топшириқлар берилади. Ҳар бир мавзудан кейин ўқиш учун келтирилган сўз, сўз бирикмалари ва жумлалар фақат ўтилган ҳарфлар иштирокида тузилганлиги эътиборлидир. Ҳарфлар тавсиясидан сўнг ҳаракатлар, хусусан, фатҳа, касра, замма, ташдид, танвин ҳақида тушунча берилади. Машқлар келтирилади.

Китобнинг иккинчи қисмида мустақил ўқиш учун берилган матнлар «Адиби аввал» ва Саъдий Шерозийнинг «Гулистон»и, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларидан олинган.

Ушбу методик тавсиялар араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзуви, унинг қўлёзма ҳамда босма хат турлари ҳақида маълумот беради. У шу йўналишда олдин нашр этилганларидан содда тузилганлиги, шаклдош ҳарфларни бир жойга жамлаб ўтиш ва тўлароқ тавсиф бериш хусусияти билан ажралиб туради.

Ушбу қўлланма маънавий меросимизни ўқиб ўрганишдек хайрли ишга қўл урган эски ўзбек алифбосининг ихлосмандларига кенг имконият яратади. Ҳозирги кунда эски ўзбек ёзувини ўрганиш учун чоп этилаётган ана шундай қўлланмалар ЎзССЖ Давлат тили тўғрисидаги қонунининг аниқроғи 16-моддининг ижроси борасида қилинган ишларнинг энг яхши намунасидир.

М. АБДУЛХАЙРОВ,
Ш. АНВАРОВ.

Муҳаррир ўринбосари
Н. ЕҚУБОВ.

Ойнаи жаҳонда

2 НОЯБРЬ, ЖУМА

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби.
11.30 Физика. Қаттиқ жисм ва суюқ кристалларнинг физик хоссалари.
12.00 «Рақс сеҳри». Фильм-концерт.
12.30 Жуғрофия. ССЖнинг атрофидаги денгизлар.
13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Келди-ю, кетди». Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Янгиликлар.
18.10 «Муми-Долга куз келди». Мультфильм.
18.30 Бухорода ўтказилган Шарқ қўшиқлари фестивали.
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Талабалик йилларим».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Қадрият». Собир ота яратган боғ.
20.20 Узбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.30 «Ахборот».
20.50 Дутор ва танбур тароналари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 Узбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессиясида.
23.00 «Бўстон». Тележурнал.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби.
19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшом» (рус тилида).
20.00 «Пульс». Информацион кўрсатув.
20.10 «Бу оқшом» кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Время».
22.00 «Негатив». «Бир жиноий иш воқеаси». 3-кўрсатув.
22.40 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув.
23.20 «Революция туфайли туғилган». Телевизион бадиий фильм. 3-серия — «Аланга ичида» (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
11.05 «Тойчоқ». Мультфильм.
11.15 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
12.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
13.00 «Время».

* * *

17.10 Тарих. Қонунийлик ва парадокслар. «В. О. Ключевский— тарихчи, публицист, фуқаро».
17.55 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Менинг фариштам...» (Украина хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси).
18.25 «Куз. Таруса. Цветаева...». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
18.50 Сиёсий мулоқотлар. «Галерея».
19.50 «Контакт-форум».
20.20 Долзарб интервью.
20.30 «В и Д» таништиради: «500» программаси, «Мўъжизалар даласи» капитал-шоуси.
21.30 «Время».
22.00 Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра.
22.15 Матвей Блантер қўшиқлари.
22.40 «В и Д» таништиради: «Взгляд», «Бошлаб бор», «Эльдорадо», «ПТВ».
01.40 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9.15 «Россия омон бўлса...». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Теварак-атроф билан танишиш. 1-синф. Мамлакат туғилган куни.
9.55, 12.55 «Тушимга боғ кирибди». Телевизион ҳужжатли фильм (Минск).
10.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.35 Мусиқа. 7-синф. Рус халқ қўшиқлари.
12.05 «Бугунги Буюк Британия». Инглиз тилини биладиганлар учун кўрсатув.

*

13.05 «Сентябрдаги отпуска». Телевизион бадиий фильм, 2-серия.
14.15 «Севимли аёл портрети». Телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск).
14.55 «Остап Стахиванинг куйловчи бандураси».

* * *

17.30 «КОАПП». Мультфильм. 10-серия — «Ҳамма ерда ҳаёт», 11-серия — «Югуриш», 12-серия — «Бўрсуқ учун уй».
18.05 «Виолончелист ҳаётидан». Р. Армонас чалади. Минскдан кўрсатилади.
19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).
19.30 «ТВ ва ТУ».
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ғаройиб олма». Мультфильм.
20.45 Коллаж.
20.50 Бадиий гимнастика. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади.
21.35 Спорт ҳамма учун.
21.50 Халқаро конкурслар лауреати В. Добролюбова куйлайди.
22.10 ССЖИ Олий Кенгашининг сессиясида.

* * *

23.40 «Таня». Телевизион бадиий фильм («Экран»).

Д 1267. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.